*Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi*



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

2021-yil 10-sentabr / № 37 (4644)

**13 — 21 сентябрь кунлари Тошкент, Хива ва Нукус шаҳарларида бўлиб ўтадиган маданий мерос ҳафталиги доирасида «Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш — замонавий босқичда" мавзусида V Халқаро конгресс ўтказилади.**

## ХАЛҚАРО КОНГРЕССГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тадбир давомида "Ўзбекистон маданий мероси — дунё тўпламларида" туркумидаги китоб-альбомларнинг 40та янги жилди тақдимоти ҳам бўлиб ўтади. Зеро, пандемия даврида ҳам Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамиятининг фаолияти тўхтаб қолгани йўқ. Юртимиз маданий меросини ўрганиш билан шуғулланиб келаётган ўнлаб ўзбекистонлик ва чет эллик шарқшунос олимлар янги китоблар учун маълумотлар тўплашди.



— Маданий меросимизни асраш бўйича кенг қамровли лойиҳамизни қўллаб-қувватлаётгани учун ҳукуматимиздан миннатдормиз. Пандемия даврида биз Венгрия, Россия, Буюк Британия, Франция ва бошқа мамлакатлар олимлари билан алоқа ўрнатиб, ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, китоб-альбомнинг 40 жилди дунё юзини кўрди. Бу ишларни амалга оширган олимларимизга миннатдорлик билдириб, шундай оғир дамларда сафимизни тарк этган дўстларимизнинг яқинларига ҳамдардлик билдираман, — дейди Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг раиси Фирдавс Абдухолиқов.

Қайд этиш лозимки, Бутунжаҳон жамиятининг навбатдаги конгрессида мамлакатимиздан, шунингдек, Россия, АҚШ, Германия, Италия, Венгрия, Франция, Буюк Британия, Туркия, Япония сингари қирққа яқин мамлакатдан 350 нафар тарихчи ва шарқшунос олимлар иштирок этиши кутилмоқда. Тадбир Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг фаолиятига бағишланган ялпи йиғилиш билан бошланади. Икки кун давомида шўъба мажлислари ўтказилиб, уларда Ўзбекистон қўлёзмалари, меъморий обидалари ва бошқа маданий мерос намуналарини асраш юзасидан дунё олимларининг маърузалари тингланади.

**Назокат ИБРОҲИМОВА**

## ҚАШҚАДАРЁ ИЖОДКОРЛАРИГА ТУҲФА

**Пойтахтимизда Адиблар хиёбони барпо этилиб, Ёзувчилар уюшмасига муҳташам бино қуриб берилганида ижод аҳли бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан жуда хурсанд бўлганди. Қани энди, уюшманинг вилоят бўлимларида ҳам шундай шарт-шароитларга эга янги бинолар қуриб фойдаланишга топширилса, деб орзу қилгандик.**

Хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлимининг ўз биноси йўқлиги сабаб, ижарама-ижара кўчиб юрардик, шарт-шароитларимиз ҳам ҳаминқадар эди. Ҳатто уюшманинг вилоят бўлими ҳузуридаги "Ёшлик илҳомлари" ва "Митти юлдуз жилолари" тўгарак аъзоларига маҳорат дарсларини ўтказиш учун жой тополмай қийналардик. Машғулот ўтказадиган алоҳида хона ёки зал мавжуд эмасди. Китоб тақдимотлари ёки адабий-бадиий тадбирларни ўтказишда ҳам муаммога дуч келардик. Аксарият тадбирларимизни бошқа ташкилотларнинг мажлислар залида ўтказишга мажбур эдик.



Не бахтки, энди бундай оворагарчиликларга ўрин қолмади. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Қарши шаҳри марказида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими ҳамда Нуронийлар маскани учун янги ва замонавий кўринишдаги бино қурилиб фойдаланишга топширилди.



Очилиш маросимида иштирок этган Қашқадарё вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ижодкорларни янги бино билан қутлар экан, уларни янада ғайрат ва шижоат билан ижод қилишга ундади. Айниқса, вилоят ҳокимлиги томонидан вилоятдаги ижодкорларнинг асарлари жамланган "Зумрад воҳа насимлари" номли икки жилдли баёзнинг нашр этилгани қалам аҳлининг қувончига қувонч қўшди.

– Бу ерда ижодкорлар учун барча шарт-шароит муҳайё, – дейди ёш ёзувчи Азизбек Норов. – Хоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Мутахассислар учун алоҳида шинам хоналар, мажлислар зали, тўгарак машғулотлари ёки адабий суҳбатлар ўтказиш учун барча қулайликлар мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, адабиётга эътибор бу – келажакка эътибордир. Мазкур сўзларнинг амалий ифодасини биз қашқадарёлик ижодкорлар бугун ўз ҳаётимиз мисолида кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

**Ўроз ҲАЙДАР,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари**

## ОТАМНИНГ ТАНДИРЛАРИ

**Иброҳим ҒАФУРОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

ХОТИРА-ЭССЕ



Отам Иккинчи жаҳон уруши тугаб, ҳарбий соқчилик хизматидан бўшаб Тошкентга қайтиб келгач, ҳовлимизда қурган тандирлари ҳақида болаларимга сўйлаб бермоқчиман. Отамнинг етти пушти — аждодлари ширмойпаз новвой ўтишган. Уларнинг устахоналари Чорсунинг Коппонида жойлашганди. Ҳозир бу ерлар "Жар" деб аталади. Бобомнинг хонадони уч ўғил, икки қиз бўлиб, барчаси ширмойпаз, ўз устахоналарига эга, устахоналар жарликнинг тепа ёқаларида қатор жойлашган, ширмойлари шунчалар машҳур эдики, эрталаб соат тўққизга қолмаёқ Чорсу атрофларига ва шаҳарга тарқаб кетарди. Уларнинг устахоналарини ҳақиқий ҳунармандлик цехи деса ҳам бўларди. Далилини топиш қийин бўлган, аммо новвойлар орасида юрадиган, болалигимда эшитган ривоятларга қараганда, Муқимий ва унинг ота-боболари ҳам шу устахоналардан чиққан ва замона зайли билан ўша тарихий замонларда, ўрислар ҳали бу жаннатмонанд ерларга йўламай туриб, Қўқонга бориб новвойлик қилишган экан. Бу новвойларнинг ўз касбий сирлари бўлиб, ҳеч бири ширмой хамирининг асл таркибини бошқасига айтишмас экан. Шунинг учун улар ёпган ширмойларнинг мазаси бошқаларникига ўхшамас, ҳар бири ўзига хос нафис таъми билан ажралиб турар, харидорлар буларни жуда қадрлар, тонг азондан ўз суюкли новвойларига бориб янги ёпилган, гуркираб лоладай қизариб турган кулчаларни уйларига келтирардилар. Бизнинг Қумлоқ атрофидаги маҳаллаларнинг катта ёшли кишилари эса уйидан икки бош пишган узумни рўмолга тугиб олиб чиқиб, иккита ширмой олиб маҳалла чойхонасига киришар ва гурунглашиб узум билан чой ичишар, буни негадир "нону ангур" (узум ва нон) деб аташар, бу одатларини ҳали яқинларгача тарк этмасдилар. Гурунглар ҳам бир бошқача, инсоний зайлда бўларди. Барчалари уйларидан олиб чиққан узумларни дастурхонга қўяр, нонлар буғи чиқиб турган ҳолда баравар синдирилар ва шошмай бафуржа чойга машғул бўлардилар, чойхоначи чойнак-пиёлаларни ярақлатиб уларга хизмат қилар, ўртадан енгил ҳазил-мутойиба аримас, чойхоначи — шинаванда одам суҳбатга чўғ ташлаб турарди. Отамнинг ҳам уста новвой сифатида ўз сирлари бўларди, ёпган нонлари жуда мазали, одамлар таъми оғзимизда қолади деб, дуо қилишарди. Ширмойнинг хамирини қориш ва етилтириш жуда инжиқ иш эди ва отам буни ғоятда усталик билан адо этарди, амакиларим ва аммаларим ҳам шундай қиларди. Ширмойнинг хамири ва хамиртурушига алоҳида бир нарсалар қўшилар, уларни қанча қўшиш ва қачон қўшишда меъёрини билиш керак, кўпроқ сир ана шунда эди, шунда noннинг мазаси оғиздан кетмас ва еган сари кишининг егиси келарди. Отам аслий новвой сифатида бунинг устаси эди: баъзан Муқимийнинг нонига ўхшадими, деб лутф қилиб қўярди.

5

## МЕҲР БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ

**Истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган "Янги Ўзбекистон" боғида бу йил илк бор Мустақиллик байрами кенг нишонланди. Юқоридан назар ташланса, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шохини эслатади ва бу – Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишига рамзий ишорадир. Айниқса, Ўзбекистон ҳудудидаги уч минг йиллик миллий давлатчилик тарихини ўзида акс эттирган Мустақиллик монументи "Янги Ўзбекистон" боғида бўлиб ўтган байрам тантаналарига ўзгача файз бағишлади.**



МУНОСАБАТ

Халқимиз қалбидаги ҳуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўҳна тарихнинг ўзи гувоҳ, — деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев тантанали маросимдаги нутқида. — 1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънода буюк воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улуғ орзусига эришди – ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди.

Ҳа, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинган кун худди кечагидек ёдимда. Ўша пайтлар Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашида давлат органлари, жамоат ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ишлари бўйича қўмита раиси лавозимида ишлардим. Давлат Мустақиллигининг эълон қилиниши нафақат ўзбек, балки Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакиллари, жумладан, қорақалпоқ халқининг ҳам асрий орзуларини рўёбга чиқарди. Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикаси таркибида ўз Конституцияси, Герби, Байроғи, Гимнига эга суверен республикага айланди.

Мен Қорақалпоғистонда туғилган ўзбек қизиман. Ота-боболарим каби шу юртда қорақалпоқ халқи қадриятлари, урф-одатлари, маданияти, маънавияти таъсирида ўсиб – улғайдим, тарбияландим. Ватаним ва халқ хизматида юрганимдан, бугунги кунда рўй бераётган беқиёс ўзгаришлардан фахрланаман.

Бу юксалишлар кейинги беш йил давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тартибга солувчи қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганида ҳам намоён бўлмоқда. Бу соҳадаги ваколатлар ва вазифалар кенгайтирилди, ижро органлари раҳбарларининг маҳаллий кенгашлар олдидаги ҳисобдорлиги белгилаб берилди. Олий Мажлис палаталарининг Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

2

# МЕҲР БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари ошишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз Мерос жамғармасининг "Иқтисодий эркинлик" индексида 52 поғонага, Жаҳон банкининг "Логистика самарадорлиги" индексида 19-поғонага, "Бизнес юритиш" индексида 18-поғонага кўтарилди. Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг "Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш" тизимидаги 6-гуруҳ мамлакатлари қаторидан 5-гуруҳ мамлакатлари қаторига ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон ўтган давр мобайнида Doing Business рейтингида 87-ўриндан 69-ўринга, Иқтисодий Эркинлик индексида 166-ўриндан 114-ўринга муносиб кўрилган. Биргина ўтган йилнинг ўзида давлатимиз раҳбарининг ўндан ортиқ муҳим халқаро ташаббуси тўлиқ амалга оширилди. Масалан, АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни "Диний эркинликни тизимли, давомий ва жиддий равишда бузишда иштирок этувчи мамлакатлар рўйхатидан" чиқарди. Ёхуд 2018 йил охирида БМТ Бош ассамблеясининг ялпи сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциянинг қабул қилиниши Президентимиз томонидан илгари сурилган халқаро ташаббуснинг дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланганининг яққол исботидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида қайд этилганидек: "Ўтган қисқа даврда Ватанимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди".

Шу ўринда мен Қорақалпоғистон мисолида Президентимизнинг ташаббусларини келтириб ўтмоқчиман. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган Орол бўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилинди. Бу резолюция Орол денгизи инқирози оқибатларини тугатиш, бу ҳудудда экологик вазиятни янада яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган кўламли ишлар, Орол бўйи минтақаси учун ҳамкорлар билан "Траст" фондининг ташкил этилгани ва кўплаб жамғармалар, дастурларнинг янада самарали бўлиши учун хизмат қилади, экологик миграциянинг олдини олиш сингари зарур рағбатлантирувчи омиллар амалга ошиши учун кенг йўл очиб беради.

Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатининг ўрнатилгани, чегараларнинг очилгани ва назорат пунктларининг ташкиллаштирилганини айтиб ўтиш жоиз. Валюта бозорининг эркинлаштирилгани, нақд сўм билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилгани, давлат хизматлари тизимида Давлат хизматлари марказлари фаолият олиб бораётгани диққатга сазовордир. Туризмни ривожлантириш доирасида 90 давлат учун визасиз режим, 48 давлат фуқаролари учун визасиз транзит режими жорий этилгани, инсон ҳуқуқлари кафолатларининг кучайтирилгани, мажбурий меҳнат, шу жумладан, вояга етмаган болалар меҳнатини бартараф этишдаги ютуқларимиз ҳам шулар жумласидандир. Айниқса, халқ мурожаатлари билан ишлаш ва давлат ташкилотларининг очиқ-ошкоралиги бўйича янги тизим барпо этилгани халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Шунингдек, Гендер сиёсатининг янги босқичга олиб чиқилгани, Олий таълим тизимининг ривожлантирилиши, олийгоҳларга қабул квоталарининг кўпайтирилиши, миллий ва хорижий давлатлар олийгоҳларининг филиаллари очилиши баркамол авлод тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Тадбиркорлик муносабатларининг яхшиланиши, асосан, бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва юритиш бўйича жараёнлар такомиллаштирилиши, камбағалликнинг расмий даражада тан олингани ва уни қисқартириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли дастурлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистонда 15 йил давомида турғун яшовчи, фуқаролиги бўлмаган шахсларни тўғридан-тўғри фуқароликка қабул этиш тартиби жорий этилганлигидан халқимизнинг кўнгли тўлди. Юртимизда бағрикенглик, дўстлик, биродарлик сингари қадриятлар улуғланиши маънавиятимизнинг энг асосий йўналишидан бирига айланди.

Орол денгизининг суви қуриган майдонида тўқайзорлар барпо этила бошлангани, бу муаммоларга жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори қаратилаётгани ҳам бу соҳадаги ислоҳотларнинг натижасидир. Кейинги уч-тўрт йил ичида рўй берган ўзгаришларни, обод овул ва қишлоқлар қиёфасини кўриб, халқимизнинг асрлик орзулари рўёбга чиқаётганидан фахрланасан киши. Янгиланган Қорақалпоғистоннинг узоқ-узоқ кенгликлари, қўй-қўзиларга тўла яйловлари, яшнаб турган боғ-роғлари, полизлари, ишга тушган корхона, завод-фабрикалари... Буларнинг ҳаммасида Президентимизнинг қорақалпоқ халқига, бу қадим ота маконга меҳри, эътибори, ғамхўрлигини ҳис қилиб турибмиз. Янги Ўзбекистон қиёфасида янги Қорақалпоғистон шаклланмоқда десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ҳар бир ташрифидан сўнг ушбу элда халқимизнинг асрлик орзулари амалга ошмоқда. Бўзатов тумани янги қиёфа касб этди: нафақат ташкил этилди, балки бир йил ичида бутунлай ўзгача кўринишда намоён бўлди. Замонавий иморатлар, спорт иншоотлари, равон йўллар — Бўзатов аҳолиси учун ҳақиқий туҳфа бўлди. Бу ерда республика ёш ижодкорларининг фестиваллари, мушоиралар, бахшиларнинг танловлари бўлиб ўтмоқда. Янги сиҳатгоҳлар қурилмоқда. Шунингдек, энг олис ва чекка Тахтакўпир туманида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ҳудуд янги қиёфага кирмоқда. Сув муаммолари ҳам ҳал бўлаётир.

Ислоҳотлар сабаб янгиланган Ўзбекистоннинг бағрида гуллаб-яшнаётган қорақалпоқ юртининг ҳам бахтли келажагига тамал тоши қўйилмоқда. Қорақалпоқ халқи давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга оталарча ғамхўрлиги, меҳр ва эътиборидан ҳамиша мамнун. Ислоҳотлар мустақиллигимиз мангулиги, юртимиз тараққиёти учун хизмат қилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аждодларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш Янги Ўзбекистонни, албатта, бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади".

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистонда халқни рози қилиш, турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ тонг қуёшидай юзага чиқаётган буюк келажагимизни кўриб турибмиз.

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,**
**"Қорақалпоқ адабиёти" газетаси бош муҳаррири,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси**



Қайси жабҳада ишлашингдан қатъи назар, меҳнатинг давлат томонидан эътироф этилиши ва рағбатлантирилиши катта воқеа. Аввало, бу инсонга ички қониқиш ва мамнуният бахш этади, қалбидан "Шунча йиллар беҳуда меҳнат қилмабман, қилган ишларим юртимга, халқимга озми-кўпми фойда келтирибди", деган туйғу кечади.

Бу йил "Шарқ юлдузи" журналида "Баҳоуддин балогардонга бориш" достоним, "Жаҳон адабиёти" журналида "Занги отага уйғун умрлар" номли қиссам ва шеърий туркумларим эълон қилинди. Демак, ижод қилсангиз, унинг меваси ҳам бўлар экан, албатта. Аллоҳ умр берса, бундан кейин ҳам замондошларимиз, юртимизда яшаб ўтган буюк сиймолар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзиш истагидаман.

# БЕҲАД ХУРСАНДМАН

Бир ижодкор сифатида кўпинча сафарларда бўлишга тўғри келади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика Маънавият ва маърифат маркази йўлланмаси билан вилоятларда бўлиб, турли ёшдаги тингловчиларга шеърларимиздан ўқиб берамиз, кўнглимиздаги гапларни айтамиз. Айниқса, буюк Мустақилликнинг қадр-қиммати, мазмун-моҳияти борасида тўлиб-тошиб сўзлаймиз. Сўнгра, албатта, халқ вакилларининг фикрларини эшитамиз. Айтиб ўтиш жоизки, сўнгги беш йилда юртимизда жуда катта янгиланишлар, ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Энг муҳими, одамлар онгида ҳам улкан эврилишлар содир бўлди. Халқимиз Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларни эътироф этишмоқда, бундан ифтихор қилишмоқда.

Камтарона меҳнатларим шундай юксак баҳоланганидан беҳад хурсандман. Миннатдорлик, шукроналик туйғуларига тўлган ҳолда бутун халқимизни Мустақиллигимизнинг шонли ўттиз йиллик байрами билан қизғин табриклайман. Бундан кейин ҳам Ватанимиз, миллатимизга сидқидилдан хизмат қиламан.

**Чоршаъм РЎЗИЕВ,**
**шоир, "Дўстлик" ордени соҳиби**

# БИЛИМ БИЛАН КЕЛАЖАК САРИ

1967 йил 1 сентябрь – мен мактабга қадам қўйган унутилмас кунда бобом раҳматли қўлимдан тутиб, мактаб остонасидан синфхонагача кузатиб борди. Менинг жовдираган кўзларим бобомнинг нигоҳларида эди... Бобом ҳам кирсинлар, улар билан ўтираман дея хархаша қилганман. Шунда устоз: "Бобонгиз сизни кутиб турадилар, уйга бирга қайтасиз", дедилар. Мен эса болалигимга бориб хархаша қилаверганман. Ноилож бобом бир оз ёнимда партада ўтиргани ҳали-ҳали эсимда.

Менга таскин бериб, қўлимга қалам тутқазиб, илк бора ҳарф ёзишни ўргатган, "она", "ота", "Ватан" сўзларини ёздириб, уларнинг муқаддас тушунчалар эканини ўргатган, умрини ёшлар тарбиясига бахшида этган талабчан устозим Қутлимурот Қурбонбоев бугунги кунда табаррук 90 ёшни қаршиламоқда. Олтин бошингиз омон бўлсин, устоз дейман таъзим билан.

Ўша дамларда устозга чин дилдан ҳавас қилган эдим. Бугунги кунда ёш авлодга таълим-тарбия бериб, бу касбнинг ҳам машаққатини, ҳам завқини ҳис этиб турибман. Меҳнатим қадр топиб, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" эсдалик нишони билан тақдирландим. Бу менга ва мактабимиз жамоасига билдирилган улкан ишонч, деб биламан.

Билимлар куни, байрамлар муборак бўлсин, азиз ҳамкасиблар!

**Зайнабжан АБДУЛЛАЕВА,**
**Элликқалъа туманидаги, 61-мактаб ўқитувчиси**

# МАКТАБ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Ҳар қандай миллатнинг ўзлигини англатадиган соф миллий маданият унсурлари — тили, адабиёти, тарихи, мусиқаси, меъморчилиги ва бошқа маънавий бойликлари бўлганидек, ўзига хос мактаби бўлиши ҳам қонуний ҳодисадир. Шундай экан, миллий менталитетига мос ўзбек мактаби қандай бўлади, деган савол теран мулоҳазани талаб қилади. Агар инсоният тамаддунида мактабларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини таҳлил қиладиган бўлсак, илм ўчоқлари ҳам дастлаб ўзга жойларда эмас, айнан ўзимизнинг ҳудудларда юзага келганини далиллар тасдиқлайди. Ҳатто ватандошимиз Ҳусайн ибн Сино (980-1037) яратган "Бола таълими ва тарбиясида ўқитувчининг вазифаси" рисоласи педагогика тарихидаги илк ёзма манбалардан ҳисобланади. Умуман, тарихимиздаги Биринчи Ренессанс вакилларининг ҳар бири устоз-муаллим бўлгани яхши маълум.**

Кейинчалик чех Ян Амос Коменский (1592 – 1670) ва швед Иоган Генрих Пистолоцци (1746 – 1827) бугунги кун замонавий мактаби сурати ва сийратига асос-пойдевор бўлган шаклий-мазмуний талабларни ўз амалий фаолиятларида орттирган тажрибалари асосида ишлаб чиқдилар, таълимнинг узлуксизлиги ва тадрижийлиги, "синф", "дарс", "ўқув режаси" сингари тушунчалар шаклланиб, амалиётга киритилди. Бундай шакл мутараққий юртларда тан олингач, мактабнинг қиёфаси шу тарзда қабул қилинди ва "Дидактика" китобининг муаллифи Коменский педагогика фанининг, Пестолоцци эса мактабнинг асосчиси мавқеини кашф этдилар. Миллий мактабларимиз тарихида Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919) ва Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931) боболаримизнинг саъй-ҳаракатлари ёрқин саҳифаларни ташкил қилганини биламиз.

Ана шундай силсилада бугунги ўзбек мактаби қандай бўлиши керак, деган савол туғилади. Чунки юртимиз ўз тарихида узоқ узилишлардан кейин мустақиллик даврини бошдан кечирмоқда. Миллий мактаб тизими ҳам чигал йўлларни босиб ўтиб, шу босқичга етиб келди. Агар ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, қадимда миллий таълим-тарбия усули энг ибтидоий шаклда ташкил этилганини ва шу қиёфада бир неча юз йиллар барқарор турганини кўрамиз. Бу давр орасида "кўҳна қитъа" – Европада эса таълим тизими муттасил янгиланиб, ривожланиб бориб, жўн черков қироатхонлигидан ўн йилдан кўпроқ вақт давомида гўдакни етук инсонга айлантирадиган маърифий даргоҳ даражасига кўтарилгани маълум бўлади.

Ўқитиш тизимида Европа услубини қабул қилиш бу борада инқилобий ўзгариш бўлди ва, шу баробарида, залворли оқимнинг кириб келиши ўзига нисбатан умрини ўтаб бўлган шаклларни рад этди, бу оқим ўқитишнинг жами миллий унсурларини ямлаб-ютиб юборди. Ҳолбуки, анъанавий мактаб тизимида ҳам сақлаб қолишга ва ривожлантиришга арзийдиган услуб ва ечимлар кўп бўлган.

Суверен давлат табиатида қадриятлар, маънавият катта куч ҳисобланади. Дунё ҳамжамиятига қўшилгач, умуминсоний жабҳада ўзбек халқининг зиммасига ҳам ўзига хос масъулият тушади ва ўз иқтидорини намойиш этиш кун тартибига чиқади. Шундай синовда маърифат даргоҳи – мактаблар халқимиз ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида мужассам этган мустаҳкам қадриятга айланиши лозим.

Мактаб иши умумхалқ, умуммиллат иши, деб кўп такрорланади. Бунинг исботи шунда ҳам кўринадики, мактабларнинг ҳаёти ҳамманинг эътиборида бўлади, чунки тириклик риштолари одамларни бу даргоҳга кўринмас иплар билан боғлаб қўйган. Агар таассуротлар ҳақида гап кетгудек бўлса, ўтган ўттиз йил ўзбек мактаби учун тажриба-синов майдони бўлди, десак, кўпчилик тасдиқлайди. Фарзандларимиз ҳар йили ёки йил ўтиб, янги дарсликларни олиб келаверар, ўқитувчилар ҳам экспрементлардан толиқиб кетганларини айтиб қолишарди. Бундай беқарорликнинг ўзи кутилмаган муаммолар келтириб чиқарганини тушуниш қийин эмас. Чунки ёндашувлар тез-тез янгиланаверса, тажриба ҳосил бўлмайди, услубият шаклланмайди. Бундай шароитга тушиб қолган ўқувчида шакл (ташқи кўриниш) бўлади, мазмун (маънавият) эса... Ҳолбуки, мактабнинг бош мақсади жамиятга тайёр шахсларни етиштириб беришдир.

Юртимизда ҳукм сураётган таълим-тарбиянинг ҳарорати турли "об-ҳаво ўзгаришлари"га олиб келди. Албатта, бу жабҳада касбининг фидойилари бўлган ҳалол устозларнинг саъй-ҳаракатларини эътироф этамиз. Улар туфайли мактабларимиз ҳар йили миллионлаб битирувчиларни муносиб ворислар сифатида ҳаётга йўллаяптилар. Умумий манзара эса ҳали кўп иш қилишга тўғри келишини таъкидлаб турибди.

Ижтимоий тармоқларда Чироқчи туманидан намойиш этилган бир мактаб филиалидаги аҳвол кўп муҳокамаларга сабаб бўлди: томи бесўнақай устунлар билан ёпилган хонада оппоқ кийинган болалар дарс тинглаяпти. Орадан ҳеч вақт ўтмай, ўша хонага ўтин-чўп тахланган, директор бу жой ҳеч қачон билим маскани бўлмагани, блогер туҳмат қилганини зўр бериб такрорлаб турибди. Бир лавҳада қанча муаммо жамланган?! Ҳозир гап ким ҳақ-ноҳақлиги ҳақида эмас, балки ўша жойларда одамлар шунча ночор яшашадими ва бир хонани эпақага келтириш учун ҳукумат аралашиши нечоғлик зарурлиги ҳақида. Ҳолбуки, бу қишлоқларнинг одамлари тўйларда бир-икки тонналаб гуруч дамлашади, 4-5 минг долларга яллачи ва отарчиларни олиб боришади, кўпкарида совринга "Нексия" тикишади.

Бундай муносабатни мактаб-масжид кесимида ҳам яққол кўриш мумкин. Такрорлаб айтамиз, бу икки даргоҳнинг турмушимизда беқиёс ўрни бор, ҳеч ким унга дахл қилмоқчи эмас. Аммо коса тагидаги нимкоса шундаки, мактабсиз жамиятнинг келажагини тасаввур қилиб бўлмайди. Энди, ўйлаб кўрайлик: қай бири муҳим?! Яқинда Тошкент – Андижон, Тошкент – Термиз йўналишидаги катта йўллар ёқасида улкан масжидлар қурилиши, бунинг учун етарли маблағ ажратилгани хабар қилинди. Бундан ҳамма мамнун.

Ҳўп, айни дамда янги мактабларга эҳтиёж йўқми? Ҳолбуки, кўплаб синфларда 30, ҳатто 50 нафаргача болалар қисилиб ўтиргани, ўқитувчилар дарс мобайнида ўзлари мўлжаллаган режаларни умуман бажара олмаётгани кўп такрорланди. Агар синфда болалар сони 20-25 атрофида бўлиши таъминланмас экан, ҳар қандай ислоҳотнинг самараси суюқ ва рангсиз бўлиб қолаверади.

Гап янги мактаблар қуриш ҳақида кетар экан, бу юмушда фақат ҳукуматнинг марҳаматига қараб ўтирмай, ота-оналарнинг ташаббусига ҳам кенг йўл бериш лозим бўлади. Очиғи, хайрия эҳсонларни таълим масканлари бунёд этишга йўналтириш, азалий қадриятларимиздан келиб чиқиб, мактаб қурганларни алоҳида қўллаб-қувватлаш, қолаверса, улар қурган мактабларга номларини қўйиш сингари амалларни ҳам қўллаш айни муддаодир. Зеро, дунёдаги энг савобли юмуш – мактаб қуриш маъракасига умумхалқ ҳашари тусини бериш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Муаммонинг ечими бир жиҳатдан хусусий мактабларни кўпайтиришга бориб тақалиши мумкин. Аммо ҳар жиҳатдан олиб қаралганда, бу борада давлатнинг ўзи ташаббусни қўлга олиши маъқул. Тўғри, ҳар бир давлатнинг ўз тараққиёт йўли, стратегияси бўлади. Масалан, Финландияда бу масалада муносабат ўзгачароқ экан. Мамлакат таълим вазиридан нима учун хусусий мактаблар йўқлигини сўрашганда, у "Таълим тижорат эмас, у ҳаммага баробар берилиши керак", деб жавоб берибди. Эҳтимол, вазир жамиятда тенгсизликнинг бошланишини шунда кўргандир.

Мактаб соҳасида ўз қиёфамиз мукаммал бўлиши учун таълим-тарбия тизимидаги жаҳонда тан олинган энг янги ютуқлар амалиётга жорий этилиши оддий талаб ҳисобланади. Жумладан, ўқитиш амалиётини БМТ Бош ассамблеясининг 2011 йил ноябрдаги 36-сессиясида қабул қилинган ISCED – 2011 (Халқаро таълим классификацияси стандарти) асосида ташкил қилиш долзарб бўлиб турибди. Стандартда 8 босқичли, кичик ёшдаги болалардан докторантурагача бўлган тизимнинг ўлчамлари белгилаб қўйилган. Маълумотларда келтирилишича, юртимиздаги таълим стандартлари халқаро талабга жавоб бермас ва олий ўқув юртлари дипломларининг бошқа мамлакатларда қабул қилинмаслиги сабабларидан бири ҳам шу экан.

Жиддий ўзгаришлар йўлига кирган мактабларимиз кўплаб муаммолар қуршовида яшаётгани сир эмас. Неча йиллардан бери дарсликлардаги хатолар, чалкашликлар, ёш хусусиятларига тўғри келмаслик ва бошқа кўплаб нуқсонлар ҳақида гап бўлади. Ёки ўқитувчи маънавияти, касб маҳорати юзасидан муттасил эътирозлар изҳор қилинмоқда. Санайверса, рўйхат чўзилиб кетади, бу ўринда мақсад – уларни тезроқ бартараф этиш. Шундай шароитда шаклланган жамоатчиликнинг фикри - аниқ, унга вазирликнинг муносабати қандай? Вазирлик – тизимнинг ҳукуматдаги таркиби. Жами муаммолар, жумладан, жамоатчилик фикри ҳам унда ечим топади. Муаммолар, уларнинг юқори муассасалар муҳокамасига қай йўсинда қўйилаётгани, қандай ечимлар изланаётгани ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз (ҳолбуки, бу йўналишдаги ишлар билан турли воситалар – матбуот конференциялари, брифинглар, тўғридан-тўғри мулоқот, ОАВдаги чиқишлар орқали жамоатчилик хабардор қилиб борилиши шарт), аммо рўй берган бир воқеани келтириб ўтиш бугунги аҳволни тасаввур қилишга асқатади, деб ўйлаймиз.

Тармоқнинг етакчи нашрида "Қишлоқдан адиб чиқмайдими?" сарлавҳали мақола эълон қилинган. Унда китобхонлик ҳақида гап кетади ва муаллифнинг таклифига жавобан мактаб раҳбари "Китобнинг бир донасини олиб келиб, ўртага ташлаймиз. Агар ўқитувчилар "Оламан" деса, шунга яраша муомала қиламиз", дейди ("ташлаймиз" – китоб ташлаб қўйилди-да!). Ҳолбуки, гап "сотиш" ҳақида эмас, балки қишлоқдош муаллимларга совға қилиш, илтифот кўрсатилса, тақдимот ўтказиш (китоб ёзиш, чиқаришнинг қадри ҳам шунчалик тушиб кетган!) ҳақида кетаётган эди. Мақоланинг давомидан баъзи гиналар изҳор қилинади. Қизиғи шундаки, газетанинг бу чиқиши ҳеч кимни, ҳатто вилоят, туман халқ таълими идораси бошлиқларини ҳам безовта қилмади. Ўша мактаб жамоаси шунақа танқид чиққанини билмади ҳам.



**Суратда:** *Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари.*
***Бурҳон Ризоқулов олган сурат.***

Албатта, жамоатчилик фикрига нисбатан бундай муносабат қониқарли эмас. Ҳамма саъй-ҳаракатлар соҳадаги аҳволни ўнглаш учун экан, бунда умумхалқ муносабати билан ҳисоблашиш шарт. Билъакс, ҳаммаси бўшлиққа кетиб қолади. Китобга нисбатан беписанд муносабатда бўлган билим даргоҳида эса ишлар кўнгилдагидек эмас (бундай раҳбар билан қандай ҳам "кўнгилдагидек" бўлсин!?)... "Юз нафардан зиёд жамоа адабий журналлар, бошқа нашрларга эмас, ҳатто соҳанинг газетаси "Маърифат"га ҳам обуна бўлмаган экан", дейилади мақолада.

Бундай ҳоллар бугунги оддий манзаралар бўлиб қолди чамаси. Аммо улар иш услуби қанчалик яроқсиз ҳолга келиб қолганини, ташаббуслар ҳақиқий ҳаётда томир отмаётганини кўрсатади. Муаммолар гирдобида яшаш яхшилик аломати эмас. Айниқса, келажак учун қилинадиган ҳар бир юмушда қатъий талабчанлик барқарор бўлиши шарт.

Очиқ эътироф этиш лозим, мамлакатимиз раҳбарининг айнан кучли эътибори билан бу борада инқилобий ўзгаришларга киришилди. Ютуқлар қаторида камчиликлар ҳам очиқ айтилаяпти. Фақат ўз кучига, салоҳиятига ишонган жамиятдагина шундай бўлиши мумкин. Юртимизда бошқа ҳудудларда учрамайдиган устозга ҳурмат, устоз-шогирдликнинг давомийлиги анъаналари қарор топган. Ана шундай салоҳиятли юртда мактаблар ҳам дунёнинг энг илғор билим масканлари сафида туришга ҳақли. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси яқин фурсатларда кўринажак.

**Ҳаким САТТОРИЙ**

# ДУНЁНИ ҲУЙҒОТМОҚ БИЗГА ЯРАШАР....

Зикрилла НЕЪМАТ



## ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ

Айт, не деб атай сени, ота маконим менинг,
Боболаримдан мерос қадим қўрғоним менинг,
Ўзбекистоним менинг, тан ичра жоним менинг,
Жаннатлардан зиёда, ҳур гулистоним менинг!

Гулгун чаманлар ичра гули соро ўзингсан,
Қуёш юрти – Хоразм, ҳам Бухоро ўзингсан,
Самарқанддек сайқал юрт, олам аро ўзингсан,
Кўҳна Қашқадарёму қадим Сурхоним менинг.

О, она юртим, боғу чаманларинг гўзалдир,
Байрамларда кўрк очиб, ясанганинг гўзалдир,
Андижону Фарғона, Наманганинг гўзалдир,
Ҳурлик карвони ошган, юксак довоним менинг.

Сирдош айлаб қалбимга Сирдарё сирларини,
Кўзга суртгум Жиззахнинг Бахмалдай қирларини,
Париларга менгзатгум Тошкентнинг ҳурларини,
Сувлари оби кавсар, кавкабистоним менинг.

Қадим қалъалар ичра яшар Қорақалпоғим,
Навоийда эл кезар Фарҳоду Ширин боғин,
Шиорим — мадҳинг куйлаш, эй сен дилда ардоғим,
Наволарга чулғанган булбулистоним менинг.

Меҳри оламни тутган, офтобистоним менинг!

## ЭЗГУЛИК ЧОРБОҒИН ЧАРОҒБОНЛАРИ

Устоз десак, диллар бўлур чароғон,
Меҳрингиздан ёруғ жумлаи жаҳон,
Сиз қуёшдек мунис ҳамда меҳрибон,
Эй, тафаккур боғининг боғбонлари,
Эзгулик чорбоғин чароғбонлари!

Устоди аввалдир — буюк Афлотун,
Нур бордирки, чекингайдир қаро тун,
Парвозларга шайлаб шогирд қанотин,
Изланишда ўтар ҳар дам, онлари,
Эзгулик чорбоғин чароғбонлари!

Ватан сўзин сиздан ўргандик илк бор,
Буюкликда Сиз тоғ каби улуғвор,
Юргайдирсиз лек, эл аро хокисор,
Илму маърифатга фидо жонлари,
Эзгулик чорбоғин чароғбонлари!

Ал-Беруний, Ал-Хоразмий ўзингиз,
Кони ҳикмат эрур ҳар бир сўзингиз,
Яхши ибрат эрур босган изингиз,
Сизнинг шарафингиз – элим шонлари,
Эзгулик чорбоғин чароғбонлари!

Сиз ҳамиша Адолату Ҳақ томон,
Сиз борсизки, гуллаб-яшнагай замон,
Бахтимизга бўлинг доим соғ-омон,
Шогирд аҳлин, эй сиз жонажонлари,
Эзгулик чорбоғин чароғбонлари!

## БИР ЧИН ДЎСТИ БЎЛСИН ОДАМНИНГ

Гар дунёни кезар бўлсанг дур-ҳикмат излаб,
Тилсимлари кўпдир ушбу кўҳна оламнинг.
Юрак дардин сўйламоқ-чун гоҳида бўзлаб,
Ҳеч бўлмаса, бир чин дўсти бўлсин одамнинг.

Бир чин ҳабиб керакдир ғам тушганда бошга,
Чин дўст бошқа, ошиною улфатлар бошқа,
Қалб муҳтождир ҳамиша бир содиқ сирдошга,
Ҳеч бўлмаса, бир чин дўсти бўлсин одамнинг.

Кўпдир асли мол-дунёю амалнинг дўсти,
Битмагайдир бу дунёнинг асло кам-кўсти,
Бошга қилич келганида сўзловчи ростин,
Ҳеч бўлмаса, бир чин дўсти бўлсин одамнинг.

Шум ғанимлар ҳийласини айлаб буткул фош,
То Ҳақ қарор топгунича этгувчи бардош,
Сўнгги дамда қабринг узра тўккувчи кўз ёш,
Ҳеч бўлмаса, бир чин дўсти бўлсин одамнинг.

Дўстсиз инсон – мисли йўлда ётган тош эрур,
Давраларда бир ғарибдек, кўзда ёш эрур,
Зикрилло ҳам дўст-ёрларга чин сирдош эрур,
Ҳеч бўлмаса, бир чин дўсти бўлсин одамнинг.

## МЕН СЕНИ КЕЧИРДИМ

Тунлари ҳилолга термулиб бедор,
Ой юзинг эслайман суюкли дилдор,
Энди сен-ла қайта кўришмоқ душвор,
Мен сени кечирдим, сен ҳам кечир, ёр!

Мен ёш йигит эдим, сен гўзал жонон,
Гуллар оқизардим боғда сен томон,
Лек шум рақибларга алдандик ёмон,
Мен сени кечирдим, сен ҳам кечир, ёр!

Дўст қолиб, душманга ишондик, афсус,
Шубҳа-гумонларда хўб ёндик, афсус,
Охир илк севгидан биз тондик, афсус,
Мен сени кечирдим, сен ҳам кечир, ёр!

Оҳ, бунча бешафқат экан бу тақдир,
Оллоҳ битган бир хат экан бу тақдир,
Ўлжа пойлар калхат экан бу тақдир,
Мен сени кечирдим, сен ҳам кечир ёр!

Сувда оққан гулдек оқди умримиз,
Куйин куйлаб бўлди булбул-қумримиз,
Қалбдан қувват кетди, кўздан нуримиз,
Мен сени кечирдим, сен ҳам кечир, ёр!

Балки қишлоқдасан ёки шаҳарда,
Сенга бахт тиларман ҳар тонг-саҳарда,
Энди дийдор қолди рўзи маҳшарда,
Мен сени кечирдим, сен ҳам кечир, ёр!

## САОДАТ МАСКАНИ

Табаррук номингни гар тилга олсам,
Қалбим чексиз фахру ғурурга тўлур.
Юксак манзилларни кўзлаб йўл олсам,
Юрган йўлим ёрқин бир нурга тўлур.
Сен қудрат манбаи, эй жонажоним,
Саодат маскани — Ўзбекистоним!

Биргина Тўмарис ё Широқ ёди
Ёвларингни ҳануз титроққа солур.
Мард Жалолиддину Темур авлоди -
Буюк аждодларга чин содиқ қолур.
Сен қудрат манбаи, ҳур жонажоним,
Саодат маскани — Ўзбекистоним!

Ҳур бўлмоғи учун Еру осмонинг,
Жондан кечган не-не ўғлонларинг бор,
Беҳбудий, Авлоний ҳамда Чўлпонинг,
Фитрату Қодирий, Усмонларинг бор.
Сен қудрат манбаи, ҳур жонажоним,
Саодат маскани — Ўзбекистоним!

Бугун Истиқлолнинг боғларин кезиб,
Бахту саодатинг куйлармиз, Ватан.
Муқаддас бағрингни боғ-бўстон этиб,
Буюк келажагинг ўйлармиз, Ватан!
Сен қудрат манбаи, ҳур жонажоним,
Саодат маскани – Ўзбекистоним!

Ўтар ҳар қандайин ғамлар, офатлар,
Барин енгиб ўтган мардона халқим.
Ярашгайдир сенга бахт-саодатлар,
Бошинг мағрур кўтар, мард она халқим,
Сен қудрат манбаи, ҳур жонажоним,
Саодат маскани – Ўзбекистоним!

Кўриб сенинг сўнмас пок иймонингни,
Дунё тан олмоқда шараф-шонингни.
Зирҳ-қалқони бўлиб бахт-иқболингни,
Асрагаймиз мудом Ер-осмонингни!
Эй қудрат манбаи, ҳур жонажоним,
Саодат маскани – Ўзбекистоним!

## ОНАМ СОҒИНЧИ

Онажон, бағрим ёнур ойдек юзингиз соғиниб,
Кўзларим гирён эрур гулдек изингиз соғиниб.

Неча йил оламда йўқсиз, ўртанурман бағри қон,
“Болажоним, кел!” – деган ширин сўзингиз соғиниб.

Тунги аллангиз гувоҳи – ою юлдузлар билур,
Кўзларимдин сел оқур қошу кўзингиз соғиниб.

Нону туз тотган маҳалда ўғринар қалбим менинг,
Бизга сиз тутган азиз нону тузингиз соғиниб.

Нурли сиймонгиз кўрурман опаю синглимда мен,
Лек дилим фарёд чекур танҳо ўзингиз соғиниб.

Тиззангизга бош қўйиб, бир эркалансайдим, қани?!
Рози эрдим, ҳатто ўлмоққа, тизингиз соғиниб.

Зикриллилоҳ оҳ чекиб, қилгай дуолар сиз учун,
Сизни ёд айлар мудом ўғлу қизингиз соғиниб.

---

Холиёр САФАРОВ



# Айритомнинг виждони

ҲИКОЯ

Ҳар жойнинг ўз ҳақиқатгўйи бўлади. Сўзи ва амали бир бундай кишилар билан бақамти бўлишнинг ўз заҳмати бор.

Ҳам ҳокимиятда ишлаб, ҳам тадбиркорликда омади юришиб, унча-мунчани мирламай қолган курсдошим Абдуғаффорни қишлоғимизга тўйга олиб бордим.

Қишлоқ тўйлари манзараси ажойиб. Бир томонда икки қозонда шўрва қайнаяпти, бир қозонда ош дамланган. Яна бир қозонда нозик меҳмонлар учун бошқа хил овқат. Ошхона олдига катта стол қўйилган. Унда қиз-жувонлар салат тайёрлашяпти. Қўни-қўшнилар хизматда. Биров келиб, биров кетиб ётибди. Ҳамма уйда меҳмон. Асосий келди-кетди учун дарахтлар тагидан қатор-қатор стол-стул тайёрланган. Бир кайвони «Қани, меҳмонлар, ҳайдангизлар!» деб чорлаб турибди.

– Ие, ие, Тошкенжондан меҳмонжонлар келишибди-да, – деб бизни ичкарига таклиф қилишди.

Абдуғаффор адоғи йўқ хизмат, саноғи йўқ одамларга қарай-қарай, уст-бошини қоқиб, лакланган қимматбаҳо туфлиси билан ер тепиниб ичкарига йўл олди. Бахтимдан айланай, уйга кирсак, Қамбар тоғам бошлиқ бир нечта киши суҳбатлашиб ўтиришган экан. Таомилга кўра, тоғам дуо қилди.

– Омин, уйланаётган жиянимиз ққўшгани билан ққўша ққарисин.

Дуога ққўл кўтарганларнинг ҳам уйларида тўйлар бўлиб, куёвлари ўзларига ўхшаган, келинлари хотинларига ўхшаган бўлсин! Аллоҳу акбар!

Биз тоғамнинг тили чучуклигини, шу сабабли кўп жойда панд еб, сўз бошида келадиган «қ» ҳарфини талаффуз этишда, ҳатто ўз исмини айтишда ҳам тутилиб қолаверишидан «Қамбар ққ» деган лақаб орттирганини табиий қабул қиламиз. У кишини «Айритомнинг виждони» ҳам дейишади. Шундай ҳақиқатларни айтадики, сўзлари этингизни жимирлатиб, ўттиз икки қовурғангиздан ўтиб, юрагингизга санчилади. Типирчилаб, жойингизда айланиб қоласиз.

Ҳозир Абдуғаффорда худди шундай бўлди. У нима қилишни, нима дейишни билмай, қўлсочиқни ғижимлай бошлади. Пешанасидан совуқ тер чиқиб, артинган бўлди.

– Дастурхонга қаранг, меҳмон, – деди биз билан ичкарига кирган акам. – Қани, олинглар…

Абдуғаффор минг истиҳола билан бир тўғрам нон синдириб, оғзига солди.

– Меҳмон, исмингиз нима? – тоғам унга синовчан тикилди.

– Абдуғаффор…

Тоғам ўзбек тилига русча қўшиб гапирадиганларни ёқтирмайди. Ялт этиб ҳамқишлоғимизга қаради:

– Московнинг нонини еганингга борасан-да. Ўрисча қўшиб гапирманглар дейман, барибир ўзгармайсизлар-а?

– Тил кетиб қолади-да, ака… – хижолат бўлди ҳалиги киши.

Абдуғаффор «Бу киши жуда ғалати одам экан-ку» дегандай тоғамга кўз остидан қараб қўйди. Унинг нигоҳида таажжуб бор эди. Тоғам буни ҳам илғади.

– Ҳокимиятда ишлайдиганларга-ку айтишдан фойда йўқ, – деди Абдуғаффорга текизиб, – аммо мен болаларимни ўрисча аралаштириб гапиришга ққўймайман.

Қишлоқдошларимиз тоғамнинг бу масалада қаттол эканлигини билишади.

– Кароче, феодализм! – деб юборди Абдуғаффор чидолмай. – Ака, тил билиш айбми?

– Ё, тавба?! – тоғамнинг туси ўзгарди – буғдойранг одам бўзарса, қорайиб кетади. – Менга қаранг, ука, фаҳмингизам пайтавами, дейман? Мен тил билиш айб демаяпман. Жадид буваларимиз икки эмас, тўрт тилни билиш керак деган. Аммо бу дегани ўзбек тилини расво ққил дегани эмас-да! Ҳозир ёшлар беш-олтита тил билади, лекин уйида ёки ишхонасида ҳаммасини аралаш-ққуралаш ққилиб гапирмайдида. Одам ўз оиласини, онасини, аёлини, синглисини асрагандай тилини ҳам асраши керак. Марҳамат, жойи келганда, чет элликлар билан мулоқот ққилганда булбулдай сайрасин! Отасига раҳмат!

– Абдуғаппор, сизда бир гап бо-ор! – деди тоғам кутилмаганда.

Меҳмоннинг луқмаси томоғида қолди.

– Ундай деманг-е, тоға, – дедим вазиятни юмшатмоқчи бўлиб.

– Икковларинг ҳам терлаб кетдинглар… Шунга айтаман-да.

– Ҳа энди булар йўлдан келишди, – гапга аралашди катта акам. – Ҳали нафасларини ростлаб олишгани йўқ-да.

– Майли, майли, олинглар. Бизникиям бир гапда, – деди тоғам. – Тишинг борида еб, эгнинг борида кийиб ққол, деган экан биттаси.

Бу гап ҳам Абдуғаффорга оғир ботдими, секин таомланишдан тўхтади. Шу пайтда шўрва билан гўшт олиб киришди. Дашт шўрвасини маза қилиб ичаётганимизда тоғам яна сўз қотди:

– Меҳмон, ққаерда ишлайсиз?

– Ҳокимиятда, – деди Абдуғаффор қаддини кериб. – Кейин… озроқ тадбиркорлигимиз бор.

– Ҳа-а, – деди тоғам чўзиб. -- Боя терлаб кетишларингиз бекорга эмас эканда.

Абдуғаффор пиқ этиб кулди.

– Гапниям девяткага ураркансиз, лекин… Бунақа дуони ҳеч эшитмагандим.

– А, ҳали Қамбар аканинг кўп оригинал гапларидан эшитасиз, – деди қишлоқдошлардан бири.

– Қамбар ака, жойи келди, шу ўғлингиз армиядан келгандаги воқеани айтиб беринг, – деди меҳмонларнинг бири шинавандалик билан.

Тоғам қандай бўларкан, дегандек кулимсираб қўйди-да, ҳикоясини бошлади.

– Шу десанглар бизнинг катта ўғлимиз хизматдан келди. Бу энди ҳей, мустақилликдан олдинги гаплар. Вой-ву, даҳшат! Соч елкага тушган. Икки билагигаям бир ққизнинг расми ўйиб ишланган. Ўнг ққўлининг тўртта бармоғига биттадан рақам ўйдириб, туғилган куни билан ойини, чап қўлининг тўртта бармоғига 1969 деб туғилган йилини ёздирган. «Ҳе, туғилмай ўлма! Йўқот буларингни!» дедим. Ққаёқда, у бадандан ўчмас экан-ку! Дўзахга йўлланма бўлиб, ққиёматгача бирга кетаркан… Кейин десанглар, икки гапининг бири ўрисча. Вой, онағар-е… Отанг ўзбек, онанг ўзбек, етти пуштинг ўзбек, сен нимага бодилик қилиб, ўрисча гапирасан? Хотинга, болаларга тайинладим. Бунинг ўрисча билгани майли, ўзига, аммо уйда гапирса, айтганини ққилманглар. Овқатгаям чақирманглар, гапига жавоб ҳам берманглар, дедим. Ўғлим бечора бир ойча ўзига-ўзи гапириб, баъзида оч ққолиб, баъзан онасига аччиқ ққилиб, кирларини ўзи ювди. Озиб-тўзиб кетди. Охири сочларини олди, тилини тўғрилади, ўзини эпақага келтирди. Мулла минган эшакдай бўлди. Кейин мана сенга деб, уни уйлантирдим.

Даврага сукунат чўкди.

– Қамбар ака, ҳозир ҳам болаларингиз, невараларингиз ҳам ўрисча аралаштириб гапирмайди-а? – сўради кимдир.

– Йўқ! Аммо улар ўрис тилини жуда яхши билишади, ҳатто инглиз тилиниям. Аммо бу билимдонлик уйда кетмайди. Уйда ким ўрисча аралаштириб гапирса, жазоланади. Дейлик, болалар бозорга, меҳмонга, тўйга бормайди, ёзда дам олишларга жўнатилмайди. Шартларни бажарганларга мукофот бор. Масалан, велосипед олиб берамиз. Улар кучларини танловларда, олимпиадаларда кўрсатади. Мана, катта неварам, анув хизматдан ўрис бўлиб келганнинг кенжаси, инглиз тилидан вилоятда биринчи ўринни олганди. Яқинда халқаро сертификатга ҳам эга бўлди. Ўша ўғлимнинг жуда қизиқ бир одати бор. Агар тушлик ёки кечки овқатни меҳмондорчиликда ё бирор жойда қилса, егани бепул тушаётган бўлса, ўша миқдордаги пулни ажратиб, болаларининг китобига ёки репетиторига ишлатади. Қандай тушундингиз?

– Ўлай агар, каллам ишламай қолди, миям ачиб кетди. – Абдуғаффор ўзини орқага тортди. – Бир чекиб келмасам бўлмайди.

У билан бирга ташқарига чиқдим.

– Тоғанг жуда ғалати одам экан… – Абдуғаффор шундай дея сигарета тутатди. – Қаерда ишлайди?

– Ҳеч қаерда. Тили чучуклигидан хижолат тортиб, бирор университетда ўқиганиям йўқ. Аммо кўп китоб ўқиган, жуда билимли.

– Ҳа, кругозори жуда кенг экан.

– Тоғам бир замонлар колхознинг қўйини боққан. Кейин кўп йиллар чўпонлик қилди. Бир қизиқ гурунг айтайми?

– Ўзи сизларнинг ҳамма гурунгларинг қизиқ экан, – кулди Абдуғаффор.

– Тоғамнинг бир қора эшаги бор эди. Шуни минарди. Энди чўпонлар даштда ёлғиз-ку. Тоғам эшакда кетаётиб, «ҳи-и-и-и-иииий» деб хиргойи қилиб кетавераркан. Одамлар бу хиргойини «Қамбар ққнинг қўшиғи» дейишарди. Аммо бу хиргойида бирорта сўз бўлмаскан. Фақат бир хил «ҳии-и-и-иииий» деб кетаверган. Айримлар «Қамбар ака, фақат «ииии» деб кетаверасиз, бу... сўзи йўқми?» деб сўрашса, «Сўзлари тилимдан чиқолмай ичимга тўкилиб кетади. Чиққан куни мен ўламан!» дер экан.

– Бу одам кўп нарсани билади. Анув афсона бор-ку, Искандар Зулқарнайннинг шохи борлигини биладиган парикмахер бу сирни бировга айтиб қўйишдан қўрқиб, юра-юра охири қудуққа айтади. Шундаййин, тоғангиз ҳам дардларини шу хиргойи билан чиқариб юборар экан-да…

– Зўр ўхшатиш қилдингиз, – дедим азбаройи қойил қолганимдан. – Биласизми, бир замонлар тоғам кечалари қўй боқиб, қирнинг устида шундай хиргойи қилиб ўтирганда унинг овозини эшитган Бўнар тўқол йиғлар экан…

– Бўнар тўқол? Бу нима деганингиз? – Абдуғаффорнинг баттар ҳайрати ошди.

– Ўша пайтларда қишлоғимиз чеккасида яшовчи бир киши фарзанди бўлмай, хотин устига болали хотин олган. Ўша аёлнинг исми Бибинор экан. Тақдир ишини қарангки, иккинчи хотин келгандан кейин биринчи хотини эгизак туғиб, ҳалиги эркак иккинчи хотинига қарамай қўйган. Ўшанда одамлар унга Бўнар тўқол деб лақаб қўйишган.

– Очень интересная жизнь… – деди Абдуғаффор бироз илжайиб. – Сиз айтаётган аёлнинг тоғангизга қандай алоқаси бўлган?

– Бу ерда сиз ўйлаган гап йўқ. Аммо аёл эрдан рўшнолик кўрмаган. Бир қиз билан ёлғизланиб, тақдиридан куйиб яшаган. Одамлар унинг кечки пайтларда ўзидай ғариб бўлиб қолган уйи олдида қизини қучоқлаб йиғлаб ўтирганини кўришаркан. Бу ёқда тоғам қирда қўй боқиб, «ҳии-и-и-иииий» деб хиргойи қилган. Аёлнинг назарида бу худди унинг сўз билан ифодалаб бўлмас аламларини қўшиқ қилиб куйлаётгандек туюлганда…

– Ҳа… – Абдуғаффор жимиб қолди. Сигаретасини тортиб-тортиб, қолдиғини бир чеккага отиб юборди.

– Ҳайданг, уйга кирамиз.

– Йўқ, – деди Абдуғаффор. – Мен қайтаман.

– Э, у нима деганингиз? Ҳали пешинда келин келади. Тўйнинг қизиғи энди бўлади.

– Биринчидан, тоғангиз мени мот қилди. Дуосидан ҳали ўзимга келганим йўқ. Иккинчидан, «Абдуғаппор, сизда бир гап бор», деди-ку. Ҳақиқатан битта проблема бор. Уни шу бугун ҳал қилмасам бўлмайди.

– Тинчликми? Тўйни ўтказиб, бирга қайтамиз дегандик-ку!

– Шундай дегандим. Аммо ҳозир кетишим керак.

– Нега бирдан кетаманга тушиб қолдингиз?

Абдуғаффор жавоб беришни истамагандек бўлиб, яна сигарета олиб чекди.

– Кароче, сизга айтганим йўқ, бир ойдан бери хотин билан бирга яшамаймиз. Бир жанжал сабаб, аразлаб кетиб қолган... Сабабчи ўзим... «Майли, тўйга борамиз» деганим ҳам, аслида, сиқилганимдан. Ўртада икки бола сарсон. Ҳатто аччиқ устида бошқасига ўйлансамми деб юргандим. Вариантим ҳам бор... Қамбар тоғангизнинг дуосидан кейин миямга урди. Бу ишдан фойда йўқ экан. Вақти келиб, куёвим ўзимга, келиним хотинимга ўхшашини тасаввур қилиб қўрқиб кетдим. Тинчгина хотинни олиб келай...

Нима дейишимни билмай қолдим.

Жимгина хайрлашдик. У машинасига ўтирдию кетди. Уйга кирмоқчи бўлиб қайтгандим, ичкаридан маҳси-калишининг товонини эзиб, тоғам чиқиб қолди.

– Меҳмон ққани?

– Кетди.

– Нега?

– Зарур иши чиқиб қопти.

– Ошнангнинг зарур иши бор-йўқлигини билмадим, аммо унга гапим ёқмагани рост. Жиян, ҳақиқат шунақа аччиқ бўлади. Айби бор одам шунақа думини тугиб ққаёққадир ққочиб ққолади.

Тоғам сўзининг охирида тоза тутилиб қолди. Мен эса нима дейишни билмасдим…

# СЎНГСИЗ САБОҚ

**Мени мамлакатимиздаги энг нуфузли журналлардан бири саналган “Шарқ юлдузи”да ишлашимга адабиётимизнинг забардаст вакилларидан бирининг беғараз ёрдами сабаб бўлган. У кезлар матбуот тизимига ишга кириш бугунгидек осон эмасди. Ишга киришимга сабабчи бўлган инсон эса мени раҳбарларга “ғирт етим, ҳеч кими йўқ” деб таништирибди. Албатта, бу ижодкор акаларимизнинг беғараз ҳазилларидан эди. Мен ҳам мана шу ҳазил боис ҳаётим мазмунига айланган журналда йигирма йил хизмат қилиш бахтига муяссар бўлдим.**



**Суратда:** *(биринчи қатор, чапдан) – Носир Фозилов, Саид Аҳмад, Худойберди Тўхтабоев, (иккинчи қатор, чапдан) – Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёев, Йўлдош Сулаймон, Анвар Эшонов (ўтган асрнинг етмишинчи йиллар ўртаси).*

Носир Фозилов билан илк учрашувим ва кейинчалик ўттиз йилга чўзилган ота-болалигимиз ана шундай бошланганди.

Бир куни иш тугаши арафасида Носир ака чақириб қолди. Корректурада бирор хато ўтиб кетган бўлса-я, деган қўрқувда хонасига кириб бордим.

– Ишлар қалай, шоир, – Носир аканинг яхши кайфиятда кутиб олганидан кўнглим равшан тортди. Таҳририятда бир-бирларига ҳазил қилиб, гоҳо “қовун тушириб” қўйган ҳамкасбларга “ҳе, шоир” деб қўйишларини ҳам билиб олгандим.

– Яхши, – дедим сал дадиллашиб.

– Ишдан кейин кетиб қолманг, уйда шилпилдоқ бўляпти, бизникига борамиз.

Носир аканинг ўша кезлар саксон ёшлардаги онаси мени ўзгача меҳр билан кутиб олди. Оппоқ сочлари текис таралган, масъума юзидан гўё нур таралаётгандай эди. Ўша лаҳзаларда беихтиёр кўнглимдан фариштали онахон экан, деган фикр ўтгани рост. Устознинг аёллари ҳам ҳар жиҳатдан қайноналарига мослиги яққол кўриниб турарди. Илк меҳмондорчилик бир умр ёдимдан чиқмаса керак. Менинг “ғирт” етимлигим онахонларга ҳам айтилган чоғи, улар олдимни егуликка тўлдириб ташлашди. Ўша кундан бошлаб уйда тансиқроқ овқат бўлса, онахон ўғилларига телефон қиларди:

– Носир, бугун лағмон қиляпмиз, анави қора балани ўзинг билан олиб кел.

Бу меҳрибон аёллар “етимча”нинг оч қолмаслиги учун Носир акани ҳам доимо терғаб туришарди.

Носир ака назари тўқ, тўғри инсон эди. Бировнинг ҳақидан ҳазар қиларди. Айниқса, муаллифларга қалам ҳақи ёзишда тийин-тийинигача ҳисоблаб чиқар ва бизлардан ҳам шуни талаб қиларди. Гапни чўзиб, айлантириб ўтирмай, дангалини айтиб қўя қоларди. Устоз ва дўстларга ниҳоятда садоқатли эди. Лекин дўстликнинг қадрига етмаган инсонни асло кечирмасди. Бунга ўзим бир неча бор гувоҳ бўлганман. Ака билан сафарларда кўп бўлганман. Қўшни Қозоғистон, хусусан, Чимкент ва Туркистон шаҳарларида у кишига кўрсатилган эҳтиромни кўриб ҳавасим келарди. Таниқли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов кўп бор таъкидлаганидек, “Эли билмаган ёзувчи, ёзувчими?” Юртдошлари оқсоқолни ўтказгани жой топишолмасди. Ўз навбатида устознинг хонадонидан ҳам меҳмон аримасди. Тошкентга келган қозоқ ижодкори борки, у кишини зиёрат қилмай кетмасди.

Бир гал ғазалнавис шоиримиз Чустийнинг юбилейи муносабати билан Чустга йўл олдик. Иззат Султон, Саид Аҳмад, Носир Фозилов, Ўткир Ҳошимов, Маҳмуджон Нурматов, Минҳожиддин Ҳайдар ва бошқа ижодкорлар сафардош эдик. Шаҳар санъат саройи, Маданият ва истироҳат боғида Чустий ижодига бағишланган сермазмун учрашувлар ўтказилди. Меҳмонлар келганидан хабар топган онам боғга келиб ижодкорларни уйимизга, бир пиёла чойга таклиф этдилар. Ўзига тўқ оиламиз чироғи онам, икки опам, акам ва укам борлигидан хабар топган Носир ака менга бир қараб қўйганида юрагим “шув” этди.

Тошкентга қайтгач оқсоқол сафар таассуротлари билан ўртоқлаша туриб мен ҳақимда ҳам “Бу ярамасни онаси, бойвачча ака-укаси ва икки опаси бор экан. Бизга эса ҳеч кими йўқ, ғирт етим деб тиқиштиришувди” дея “лутф” қилди. Албатта, бу ҳазил эди.

Носир ака бизга адабиёт ўйинчоқ эмаслиги, сўзга ўта эҳтиёт бўлишни таъкидлаб чарчамасди. Қайсидир вилоятдан йилт этган иқтидор эгаси чиқиб, юборган асари оқсоқолнинг назарига тушса, биринчи галда шуни чоп эттиришга ҳаракат қилар, ижодкорни яхши сўзлар билан рағбатлантиришни эсдан чиқармасди. Бўш қолди дегунча Саид Аҳмадми ёки Одил Ёқубовми — бирор-бир катта ёзувчини йўқлашни канда қилмас, бундай пайтлар бизни ҳам ёнига олишни унутмасди. Ҳозир эслаб ҳайрон қоламан. Ишга кирганимга беш йил бўлганига қарамай бирор нарсам журналда чоп этилмабди. Ҳар гал “ижод” намунам оқсоқолдан нари ўтмасди. Қўлёзмам устига чизиб, “Бўлмайди, шоир” деб ёзиб қўйиларди. Беш йил деганда Ўрол Тансиқбоев уй-музейи ҳақида ёзган бир энлик мақолам оқсоқол назаридан ўтиб, “Бўларкан-ку, шоир” деган мақтовга сазовор бўлдим.

Вақти келиб устоз нафақага чиқди, аммо ака-укалигимиз аслича қолди. Ҳамон газета-журналларда эълон қилинган ижод намуналаримни кузатиб борар, ўз навбатида бирор нарса ёзишдан олдин оқсоқол нима деркин, деган ўй доим кўнглимда бўларди. Оқсоқолнинг маслаҳатидан сўнг айрим ҳикояларимни тўлиқ қайта ишлаб чиққандим. Ҳафтада бир у кишидан хабар олмасам ўзи қўнғироқ қиларди.

2008 йилнинг қиши қаттиқ келди. Бир ёққан қор қирқ кун эримаса. Ўша қаҳратон кунларда онам вафот этдилар. Бу ҳаётимдаги энг катта йўқотиш эди. Икки ҳафтагача ота ҳовлида қолиб кетдим. Юрагимга ҳеч нарса сиғмас, ҳаммасига қўл силтагим келарди. Истар-истамас ишга қайтган кунларимнинг бирида Носир ака қўнғироқ қилди. Ҳол-аҳвол сўрагач, эртага дам олиш куни бўлгани учун пешинга яқин уйларига ўтишимни сўради. Одатим бўйича айтилган вақтда етиб бордим. Кўришиб бўлгач, меҳмонхонага бошлади. Чиройли дастурхон тузаб қўйишибди.

– Шоир, – деди оқсоқол дуодан кейин. – Онахонни Оллоҳ раҳмат қилсин. Қаричилик қурсин, менам, опангизам узоқ жойга ярамайдиган бўлиб қолдик. Фотиҳага ўтолмадик. Ўзимизга ўхшаган бир-иккита кекса шоирларгаям айтганман. Шу ерда фотиҳахонлик қиламиз.

Бу гапдан сўнг бир нима томоғимга тиқилгандай бўлди. Гоҳо арзимаган иш ёки бир илтимос қилганида баъзан малол олгандай бўладиган мендай нодонга оқсоқол навбатдаги ҳаёт дарсини берганди.

Сўнгги йилларда оқсоқол оиласи билан эрта баҳордан кеч кузгача Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида яшашни одат қилишди. Боғда дам олаётган ижодкорларга маслаҳатларини аямайдиган устоз долзарб мавзуларда мақолалар ёзиб эълон қилди. Охирги пайтлар кўзидан бироз нолиса-да, ижоддан тўхтамади. Муборак опа эса ҳамиша у кишига қанот бўлиб турди.

Ҳозир ўша кунларни бир-бир хотирамдан ўтказиб ҳайрон қоламан. Шунча йил мобайнида давраларда мен ҳақимда гап кетса оқсоқол укам, шоир, қайним (айтганча, Муборак опанинг отаси чустлик) деб таништирарди. 2013 йил охирида, ёшим элликдан ошганда тўртта қиссадан иборат “Лафз” номли илк китобим чоп этилганди. Муаллиф учун бериладиган тўрт дона китобдан биттасига камтарона дастхат ёзиб устозникига ўтдим.

Носир аканинг кўзлари севинчдан порлаб кетди. Салмоқдоргина китобни кафтида уч-тўрт марта кўтариб қўйди.

– Бўларкан-ку шоир, – деди елкамга қарс этиб урар экан. Шу билан бирга “Фозиловча”-сига лутф қилишни ҳам унутмади. – Мен сен ярамасга қилган меҳнатимни айиққа сарфлаганимда у аллақачон классик бўлиб кетарди. Ҳе, сенга ўхшаган шогирдни...

Бир пайтлар бирга ишлаган чоғларимиз мақолаю ҳикояларимни бўлмайди деб, баъзиларини юзимга қараб отган оқсоқол чорак аср деганда мени шогирд сифатида тан олди. Қувончи эса меникидан кам эмасди.

Устоз вақти-вақти билан ҳукумат шифохонасида ётиб, даволаниб турарди. Навбатдаги даволанишга ётганларида ҳам опа билан қўнғироқлашиб, ҳол-аҳволларидан бохабар бўлиб турдим. Ўша кунларнинг бирида Муборак опанинг қўнғироғидан юрагим увишиб кетганди.

– Акангизни Кўкрак хирургияси шифохонасига ўтказишмоқчи.

Опанинг йиғламсираб айтган гапларидан юрагим орқага тортиб кетди. Дарҳол ўтмоқчилигимни билиб, олдига ҳеч кимни қўйишмаяпти деганидан баттар хаёлим қочди. Эрталаб шифохонага ўтдим. Эндигина палатага олинган оқсоқолнинг олдига кириб бордим. Аввалига оқсоқол мени танимай “ҳа, шапка” деди. Ҳайрон бўлганимча ёнларига чўкиб, қўлларидан ушладим. Шу пайт Сайёра опа у киши томон сал энгашиб катта ўғлингиз келди, деди.

– Юсуф тожикми, – деди оқсоқол қўлимни сиқиб мен томонга тикиларкан.

– Бу нима эркалик, оқсоқол, – дедим мен ҳам у киши томон эгилиб. — Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

– Тоҳир Малик шу ердаги дўхтирга операция қилдирган экан. Менам ўшанга рўпара бўляпман. Қани бунисиниям бир кўрайлик-чи. Аммо дўхтирлар қиммат дориларни олдираверib опангни картмонини пиёз пўсти қилиб ташлашди.

– Катта ёзувчисиз, қанча ижодкорларнинг бошини силагансиз, устозлик қилгансиз. Бир оғиз айтсангиз, ёрдам беришар.

– Ёрдам беришади. Аммо мен буни истамайман. Сенга ҳам айтадиганим шу. Унвон ва сийловларда ҳам шундай тур. Беришса олгин. Сийловлар берилади, олинмайди.

Оқсоқолнинг олдида кўп ўтиролмадим. Ичим бўм-бўш бўлиб қолгандай эди. Кўчага чиқиб аввалига уйим томон мўлжални ололмадим. Йўлак бўйлаб яёв кетдим. Билмадим қанча юрдим. Шуурим бироз тиниқлашгандай бўлиб қарама-қарши томон кетаётганимни англадим. Орқага қайрилдим. Кўз олдимдан эса таҳририятга илк ишга келган кунимдан бошлаб шу кунгача устоз билан бўлиб ўтган воқеалар магнит тасмасидек ўтарди. Кечга томон опамнинг қўнғироғидан сўнг бутунлай гангиб қолдим.

– Юсуф, акангизни уйга олиб келдик. Сунъий нафас олдириш мосламаси ёрдамида нафас оляптилар. Кўзлари бир юмилганча қайта очилмаяпти.

Эртасига шанба, 13 январь эди. Санани аниқ келтирганимнинг сабаби бор. Эрталаб уйларига етиб бордим. Оқсоқол меҳмонхонада, сунъий аппарат ёрдамида нафас олиб ётарди. Ҳар гал зиёратларига борганимда қучоқ очиб кутиб оладиган, ҳали бардам одамнинг бундай аҳволда ётганини кўриб баттар эзилиб кетдим. Шу алпозда кун шомга етганини ҳам сезмай қолибман. Опадан кетишга изн сўрадим.

Кечга томон телефоним жиринглади. Қўнғироқ Носир аканинг телефонидан келаётганди. Қўрқа-писа тугмачани босдим.

– Алло, Юсуф, сизмисиз?

– Ҳа, ҳа, – дедим шоша-пиша.

– Акангизни бериб қўйдик.

Гўшакдан йиғи аралаш келаётган овоз эгасининг кимлигини ҳам англолмадим. Оқсоқол эртага пешин маҳали қўйиладиган бўлибди. Эртага эса 14 январь, мен туғилган кун. Эллик беш баҳорни қарши оламан. Шунга яраша тайёргарлик ҳам кўриб қўйгандим. Эрта тонгдан мусибат етган хонадонга етиб бордим. Тумонат одам йиғилиб бўлган, жанозага тайёргарлик кўряпмиз. Кўпчилик мендан кўнгил сўраганини кўриб, бу одам мен учун қанчалик яқин бўлганини янада теранроқ ҳис қилдим. Ўзбек ва қозоқ халқи ўртасида мустаҳкам адабий кўприк бунёд этган Носир ака бир пайтлар Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир каби буюк алломалар ёнида юриб, хизматини қилиб уларнинг дуосини олган, бу ижодкорлар ҳақида ажойиб хотираларини гапириб чарчамасди. Ўз навбатида биз укалар қалбида ҳам Носир ака ҳақида гўзал хотиралар қолди. Бу хотиралар ҳаётимиз мазмунини бойитиб, йўлимизда бир умр ўчмас маёқ бўлиб хизмат қилади.

**Юсуф ФАЙЗУЛЛО**

# ЎЗИНГНИКИ БИР БОШҚА



Мен 22–25 август кунлари Иссиқкўл ёқасида, Бўстери шаҳрининг “Талисман” деган оромгоҳида “Марказий Осиёда сув-экология соҳасида ҳамкорликнинг муаммо ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро анжуманда иштирок этаётган эдим. Гарчи касбим эколог бўлмаса-да, “Ўзбекистон–Қирғизистон” дўстлик жамиятининг раҳбари – халқ дипломатиясининг бир вакили сифатида унда қатнашишим шарт эди. Бир пайт қўл телефонимга менга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” деган унвон берилгани ҳақида хабар келиб қолсами?!

Илмий йиғилиш давом этар, ўнга яқин мамлакат вакиллари нутқ сўзлар эдилар. Мен эса ўз нутқимдан сўнг талабаликдан то шу дамгача ўтган умр йўлларимни, амалга ошган ва ошмай қолган режаларимни бирма-бир ёдга олиб ўтирар эдим.

Ахир, биз аспирантурани тугаллаб, орадан яна бир мучал вақт ўтиб, бир тадқиқотчи сифатида сўз айтадиган бўлган пайтимизда илмга эътибор сусая бошлагани мен тенги ва биздан ёшроқ авлод вакиллари учун синов йиллари бўлгани бор гап-ку. Хайриятки, она тилимиз давлат тили мақомини олди, кўплар қатори камина ҳам шу жабҳага тортилиб, 1998–2000-йилларда Ташқи ишлар вазирлигининг Халқаро шартномалар бошқармасида ишладим, тузилган битимларни ўзбекчалаштирдим. Сўнг икки йил республикамизнинг бош кутубхонасига раҳбарлик қилдим. Ундан кейин эса ўн йил Миллий китоб палатасида ишладим. Бу ердаги асосий ишим Ўзбекистонни Халқаро ISBN, ISSN ташкилотига аъзо қилиш бўлди. Бугун чоп этилаётган ҳар бир китобда ISBN, ҳар бир газета ва журналда ISSN халқаро рақамлари дарж этилади, бунинг шарофати билан ўзбек китоблари, вақтли матбаа нашрлари дунёнинг исталган мамлакатига етказилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Кейин Китоб палатаси Миллий кутубхонага қўшиб юборилгач, “эркин ижодкор”ликка ўтдим. Яқин тўрт-беш йил орасида ўнга яқин китобим босилиб чиқди. Улар орасида улуғ қирғиз оқини Тўқтағул ижодидан таржимам, “Она юртим – Қирғизистон, Ўш...” рисолам, “Манас” эпосининг янги таржимаси, “Сўз қисмати” этнографик этюдларим, Навоий ғазаллари шарҳланган “Шавқи наво” номли китобим, “Билмаганларимиз тўғрисида билганларимиз” деган фалсафий эссеим, дин, адабиёт, она тилимиз тақдири ва миллат менталитетига оид уч юздан ортиқ мақолам чоп этилди.

Бир гапни очиқ айтай: камина шунгача Туркия, Қирғизистон ва Қозоғистон томонларнинг эътирофига ноил бўлиб, уларнинг медалларини олган, ўша ёқларнинг халқаро илмий мукофотлари билан тақдирланган эдим. Аммо, кўнгил экан-да, ўзимиздагилар ҳам “Э, ҳорманг” дейишармикин ё фақир киши панада бўлиб қолаверармикин, деган иштибоҳда эдим. Ахир, ўзингники бир бошқа! Бу гумоним бежиз эмасди ҳам: Шўро замонида бўлиб, ундан кейин ҳам чорак аср давом этиб келган бир “анъана” ёдингиздадир, унга кўра, ҳар соҳанинг 10-15 нафар арзандаси бўлар, мукофот ва унвонлар йил оша такрор-такрор ўшаларга берилаверар эди...

Йўқ, бари эътиборда, назарда экан. Бу йил Худо “Ол, қулим!” деган экан, бирданига уч мукофот: “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” деган шарафли унвон билан бирга, “Халқлар дўстлиги”, “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги” кўкрак нишонлари ҳам кўксимни безади. Шуларни қабул қилиб оларканман, теварагимдаги ўзим қатори сийланган одамларга разм солдим, кейин эса газеталарда босилган мукофот олганларнинг кимлигига эътибор қаратдим – бари бир умр изланаётган, қора меҳнатдан қочмаган фидойи одамлар.

Ана шунда дилимдан “Янги Ўзбекистон” деган бир сўз шунчаки чиройли атама эмас экан, балки янгича ёндашувлар, ҳалол муносабатлар етакчи ўринга чиқазилаётган ва устувор бўлаётган бир даврга хос тушунча экан, деган фикрлар кечди.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

**КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ**

# АДАБИЁТ ТАРИХИНИ ЯРАТИШ МАСЪУЛИЯТИ

**Адабиётшунослигимизда мумтоз адабиётга бағишланган тадқиқотлар салмоқли ададни ташкил этади. Жумладан, адабиёт тарихига доир ишлар(монография, дарслик, хрестоматия ва кўп жилдликлар)нинг юзага келиш анъанаси ҳам салкам бир асрлик тарихга эгадир.**

Мустақиллик йилларида ҳам бу борада бирмунча китоблар яратилди. Хусусан, Раҳим Воҳидов, Ҳусниддин Эшонқулов, Раҳмонқул Орзибеков, Ботирхон Валихўжаев каби олимларнинг ишларини санаш мумкин. Сўнгги йилларда яратилган кўламли дарслик сифатида эса филология фанлари докторлари Нусратулло Жумахўжа ва Иқболой Адизованинг “O‘zbek adabiyoti tarixi (XVI — XIX asr I yarmi)” (Toshkent, Innovatsiya-Ziyo, 2020, qayta ishlangan, to‘ldirilgan ikkinchi nashri) китобини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Биринчидан, ушбу дарслик адабиётимиз тарихидаги том маънодаги қизиқарли ва ҳали тўла кашф этилмаган даврни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Маълумки, тўрт асрлик адабиётимиз масалаларини бир дарсликка сиғдира олиш жуда мушкул. Лекин дарслик муаллифлари бу борада яхши ва муносиб усулни танлашган. Яъни мазкур даврнинг энг муҳим жиҳатлари ва энг йирик адабий сиймоларни акс эттиришга интилганлар.

Иккинчидан, соҳага оид аввалги ишлардан фарқли равишда унда қуйидаги масалалар ҳам ёритилган: адабиётимиз тарихида ушбу даврда етакчи бўлган адабий муҳитлар теграсида масалалар ҳал этилган (Бухоро адабий муҳити, Қўқон адабий муҳити, Хева адабий муҳити); номлари адабиёт дарсликларига киритилмаган ёки кам эътибор қилинган адабий сиймоларга алоҳида эътибор берилган (Убайдий, Сўфи Оллоёр, Абулғози Баҳодирхон); илгари муайян даражада ўрганилган ижодкорлар шахсияти ва адабий мероси янгича нуқтаи назар билан баҳоланган (Турди Фароғий, Хўжаназар Ҳувайдо, Амирий, Мунис Хоразмий). Муаллифлар ўз тадқиқотлар доирасидан келиб чиққан ҳолда, дарсликни имкон қадар қизиқарли ва янги илмий фактлар билан бойитишга, соҳа бўйича етишиб келаётган мутахассислар эътиборини адабиётимиз тарихидаги энг ёрқин ва муҳим жиҳатларга қаратишга ҳаракат қилганликлари сезилади.

Аввало, дарслик “Уқтириш хати” ва “Дарслик имлосидаги айрим хусусиятларга изоҳлар” дея номланган кириш қисмлари билан бошланади. Мазкур ўринлардаёқ китобхон ушбу дарсликнинг моҳияти ва бошқалардан фарқли жиҳатларига эътиборлироқ бўлиши англашилади. Масалан, “Хева” сўзининг ёзилиши “аслиятга яқин” экани билан изоҳланадики, бу далиллар шубҳа уйғотмайди.

Шу билан бирга, ҳар бир мавзу ниҳоясида берилган “Таянч тушунчалар”, “Савол ва топшириқлар” ва “Асосий адабиётлар” талабаларга мавзуни тўла ўзлаштириш ҳамда бу борада кенгроқ фикр юритиш имконини беради. Бу эса ҳар бир мавзу аввалидаги “Режа”нинг не қадар амалга оширилгани ва мавзу бўйлаб татбиқ этилганини ҳам изоҳлайди.

Дарсликнинг дастлабки мавзуси “XVI — XIX аср биринчи ярмидаги тарихий шароит, маданий ҳаёт ва адабий-илмий муҳит” дея номланиши ва тақдим этилиши ҳам кўп жиҳатдан китобда ёритилаётган масалаларга ойдинлик киритади. Айтайлик, берилаётган даврларни юз йилликларга бўлган ҳолда ҳар давр бошида берилганида дарсликнинг умумкўлами ва бир бутунлиги таъминланмаган бўлур эди.

XVI — XIX аср биринчи ярмига оид асосий адабий ва тарихий манбаларнинг сираланиши, ўрни билан мавзуга дахлдор жиҳатларнинг тадқиққа тортилиши, кўп сонли адабиёт ҳамда тадқиқотларга мурожаат қилиниши, бир қанча ўринларда янгича қарашу баҳолаш мезонларининг ўртага ташлангани муаллифлар томонидан мавзу анча чуқур ишланганини кўрсатади. Айтайлик, бир неча ўринда профессор Фитрат тадқиқотларига мурожаат қилиниши, унинг адабиёт тарихини даврлаштириш ва эътибор қаратилиши муҳим бўлган ўринларга ўз давридаёқ урғу берганлиги масаласининг баён этилиши адабиётимиз тарихини асл мезонлар ва манбалар қамровида тадқиқ этиш ниҳоятда зарур ҳамда илмий ҳақиқатга мувофиқ эканлигига амин бўлиш мумкин.

Дарсликда бирмунча кенгроқ ўрин ажратилган ижодкорлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Муаллифлар Бобур ижодиётини батафсилроқ қамраб олишга ва баҳолашга ҳаракат қилганлар. Бобурнинг лирикаси ва “Бобурнома” асарига анча кенг тўхталинган, муносиб баҳоланган.

Шундан сўнг Бухоро адабий муҳити ҳақидаги мавзулар бошланади. Унда Хожа, Убайдий, Турди Фароғий ва Сўфи Оллоёр ижодлари ҳақидаги саҳифалар ўрин олган. Кейинги ўринларда Машраб ва Ҳувайдо ижодини тадқиқ этишга бағишланган саҳифалар келади. Қўқон адабий муҳити ва унинг ижодкорлари – Амирий, Гулханий, Нодира ва Увайсийга бағишланган ўринлар қизиқарли ёритилган. Хева адабий муҳити ва унинг пешқадам вакиллари – Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммадниёз Нишотий, Нурмуҳаммад Андалиб, Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий ҳақидаги саҳифалар ҳам анча батафсил берилган.



Дарслик ниҳоясида “Амалий машғулот мавзулари”, “Асосий адабиётлар”, “Қўшимча адабиётлар” ва “Тест топшириқлари” илова қилинганки, бу мазкур дарслик замонавий дарсликларга қўйилаётган талаблар асосида яратилганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, дарсликдаги Убайдий билан боғлиқ ўринлар ва таҳлиллар янгилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Сўфи Оллоёр ҳақидаги саҳифалар борасида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу икки ижодкор адабиётимиз тарихидан мустаҳкам ўрин олиши ҳам илмий жиҳатдан, ҳам маърифий жиҳатдан жуда муҳим. Бу эса тарихий адолатнинг тикланиши ҳамдир.

Шу билан бирга, дарсликда Машраб, Увайсий ва Мунис Хоразмий ҳақидаги мавзулар ҳам янгиликка бойлиги билан ажралиб туради. Айниқса, бу ижодкорларнинг асарларини таҳлил этишда ажойиб мисоллар танлаб олинган ва баҳолаш ҳам уларга муносиб равишда бўлган.

Дарслик яна бир қанча ютуқ ва афзалликларга эга. Шу билан бирга, айрим мулоҳазаталаб ўринлар ҳам бор. Айтайлик, Бобур ҳақида берилган саҳифаларда нафақат бобуршунослик, балки ўзбек фанидаги катта ютуқ “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” эсланмаган. Ваҳоланки, у икки марта (2014 ва 2017 йиллар) нашр бўлди. Ҳамда Бобур девонининг қўлёзмалари ҳақидаги ўринда (68-69-бетлар) кимга таянилгани ҳаволада кўрсатилмаган. Ушбу жиҳатлар ҳақида мазкур сатрлар муаллифининг бир неча чиқишлари маълум.

Ёки Машраб ва Ҳувайдо Бухоро адабий муҳити вакиллари тарзида кетиб қолган. Масалан, Ҳувайдонинг Қўқон мадрасаларида таҳсил олгани ва водийда нашъу намо қилгани маълум-ку. Уни Қўқон адабий муҳитининг дастлабки намояндаларидан бири сифатида талқин этиш илмий ҳақиқатга зид эмас. Машраб ҳақида сўнгги йилларда унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ айрим жиддий чиқишлар қилинган. Масалан, Абдусаттор Жуманазарнинг махсус тадқиқот китоби ҳам маълум. Мана шу жиҳатларга бирор ерда ҳавола ёки урғу берилса, дарсликнинг аҳамияти янада ортарди.

Шунингдек, айрим адабиётларни беришда янглишликлар ҳам учрайди. Мисол учун, П.Қаюмовнинг “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти” китоби “Қўқон тарихи ва адабиёти” тарзида 1998 йил чоп этилган дея берилади (306-бет). Ҳақиқатда ушбу асар 2011 йил нашр бўлган эди.

Ўйлаймизки, дарсликдаги бу жузъий камчиликлар кейинги нашрларда бартараф этилади. Бир сўз билан айтганда, ўз соҳасининг билимдонлари, заҳматкаш олимлар Н.Жумахўжа ва И.Адизованинг “O‘zbek adabiyoti tarixi (XVI-XIX asr I yarmi)” дарслиги айни вақтида яратилган, мумтоз адабий меросимизни ёш авлодга тарғиб-ташвиқ этиш ва ўргатиш йўлидаги энг муҳим манбалардан бири бўлиб қолади.

**Отабек ЖЎРАБОЕВ,**
**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директор ўринбосари, филология фанлари номзоди, доцент**

# ОТАМНИНГ ТАНДИРЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Отам ҳарбий хизматдан қайтганида – 1945-1946-йилларда эллик ёшдан бироз ўтган эдилар. Кўкраги тўгарак мошранг гимнастёрка, ҳарбийча ботинка кийиб юрардилар. Ўша вақтлар, менингча, бироз вақт бўш юрдилар. Бўш юриш қандай? Қатор-қатор қийшайиб, букчайиб қолган ишкомларни кўтариб мустаҳкамлаб таъмирладилар, йўғонлашиб кетган толларни кесиб поя тайёрладилар, токларнинг ораларини кетмон билан дағал чопиқ қилдилар, дарахтларнинг эскирган шохларини бутадилар, яшартирдилар. Чириганларини олиб ташладилар. Боғимизнинг чиройи очилиб кетди. Бир куни эшигимиздан маҳалламиз оқсоқоли, отамнинг яқин дўсти ва улфати Зуҳриддин ака кириб келди. Зуҳриддин ака эскича саводхон одам эди. Боғсупада бирпас ўтириб гаплашишди. Зуҳриддин ака гапларига ғазал қўшиб сўйлардилар, отамнинг завқи келиб унга жўр бўлардилар.

– Усмон ака, энди пайсалга солмай устахонани қуринг. Одамлар тандир нонни соғиниб қолишди, – деди даб-дурустдан Зуҳриддин ака. Отамга бу гап жуда маъқул тушди, аммо ҳайрон бўлганини яширмади:

– Э, қани энди, Зуҳриддин... Аммо ун йўқ-да...

– Ун келяпти, – деди ишонч билан Зуҳриддин ака. – Сиз ҳаракатни бошлайверинг. Ун ортилган карвонлар йўлда...

Отам шу кунларда аммалари бошлиқ бўлган макарон фабрикасида қоровул бўлиб ишга кирган, Ўрда бўйига бориб-келиб юрардилар. Онам билан тандирни катта ҳовлининг қаерига қуришни маслаҳат қилишди. Онам кўча эшикдан кирганда ўнг томонда бурчакдаги бўш жойни кўрсатдилар. Отамга у жой ғоятда маъқул келди. Тахта, ёғоч, ғишт топиб келиб ўзлари қуришга тушдилар. Чорсудан машҳур тандирсоз Умар семиздан катта тандирни Ҳол амакининг аравасига ортиб келдилар. Тандир жуда катта эди. Уни бир неча кишилашиб кўча йўлакдан то ҳовлигача "тутинг-тутинг", "ушланг-ушланг", "қийшайтириб юборманг, эшик кесакисига тегмасин" дея, ниҳоят, олиб кирдилар.

Мен тандир ичига тушиб кўрдим: бўйим кўринмади. Умар семиз тандирчи Тошкентда машҳур одам эди. У отамнинг дўсти, гоҳо тандирлар қалашиб ётган устахонада ўтириб чой ичиб аския қилишарди. Умар семиз калласи бағоят катта, гавдаси ҳам шунга яраша йирик квадрат эди. Отам нонни маҳалла аҳолисига етадиган қилиб ёпар, бир ўзларига шунинг ўзи ҳам анча иш – юмуш эди. Қолган пайтлар боғ юмушларига қарарди. Пайти келиб, акамнинг ёши улғайиб, уни уйлантириш пайига тушишди. Жой солиш керак. Онам билан кўп бош қотиришиб, акамга уйни тандирнинг ўрнини кенгайтириб қурадиган бўлишди. Тандирни эса боғнинг шимолий девори ўртасига кўчиришди. Лекин бу ер тандир учун ноқулай эканлиги ярим йилчадан сўнг маълум бўлиб қолди. Яна отам билан онам бош қотиришди ва ниҳоят тандирни боғнинг ичкари, олхўрилар ўсган муюлишига оладиган бўлишди. Отам ғайрат қилиб бу устахонани ҳам битириб, унга Умар семиздан янги тандир олиб келиб ўрнатдилар. Бу сафар тандирхонани кенгроқ қилиб қурдилар.

Тандирхонанинг бир томони жуда улкан жийда дарахтига тақалиб қолди. Бу азим жийдани кесмай тандирхонани кенгайтиришнинг сира иложи йўқ эди. Онам жийдани кесишга сира рози бўлмадилар. "Раҳматли отам Ибодқори бу жийдани 19-йилда экканлар. Мен ўн икки ёшга, мучал ёшига кирган эдим, "Муҳаррам, сен шу нонжийда билан бирга ўс, ризқинг бутун бўлсин, жийда тоза, муаттар бўлади, сенга кўп йиллар ҳамроҳ бўлсин", деганлар. "Йўқ, жийдани кесмайсиз, у очарчилик йиллари бизни тўйдирган, дастурхон, патнисларимизни тўлдирган, тандирингиз чоғроқ бўлса бўлар, ҳеч бокиси йўқ", деб қаттиқ туриб олдилар онам. Отам ноилож қолдилар. Ҳақиқатан, аҳвол онам айтганларидек эди. Жийданинг мевалари пишганда шода-шода бўлиб қип-қизил маржондек осилиб турар, гуллаган пайтлари эса хушбўй ҳиди бутун боғу ҳовлига таралар, кумушдай япроқлари шабадада ярақлаб пириллаб ўйнарди. Пишган пайтлари попушак деган тождор қушлар келиб тўда-тўда бўлиб шохларида сакраб юришар, тинмай "поп-пиш", "поп-пиш" деб бўйинларини шишириб сайрашарди. Онам бу қушларни жуда ҳам яхши кўрар, улар боққа қут-барака келтиради, дердилар. Отам ҳарбий хизматдан олиб келган милтиқни сира отгани қўймасди, бу милтиқни акамнинг қўлида кўрсалар, жуда қаттиқ хафа бўлар, уни сандиққа беркитиб қўймагунча кўнгиллари тинчимасди. Отамдан онам ранжирдилар: "Нега олиб келдингиз шу оташ балони!"

Яна шуни ҳам, эсимга тушганда айтиб ўтишим керакки, онам беш опа-сингил эди. Ҳаммалари гўзал, эртакчи ва маталчи, сўзларни кутилмаганда жуда чиройли қилиб сўйлардилар. Ростакам парирухсор эдилар. Кичик гўзал Қумри холамнинг ўн яшар нозик қизлари Умриниса шу пайтлар, ҳали эллигинчи йилларга ҳам етмай ўпка касали бўлиб қолган, ғоятда нозик, худди сариқ толнинг янги хивичидек рангпар, боғимизнинг этагидаги ариқ бўйида ўсадиган ярми сариқ, ярми қизил раъно гулига ўхшарди. Холамлар Охунгузарда туришар, баҳор чиқиб кунлар яшнаганда, Умринисани боғ ҳавосидан нафас олсин деб олиб келишарди. Умриниса ичкари синчли уйда дераза олдида қизил кўрпачада, қизил ёстиқ, қизил духоба кўйлак, кичкина қора нимчада ётар, тутлар, жоноқи олмалар, беҳилар, эрта пишар узумлар гуркираган ташқи боғимизга термулиб ётарди, бояқиш. Умриниса жуда чиройли эди. Мен унинг узун қошлари ва олхўридай кўзларидан сира нигоҳимни узмас, курсининг бу четида уни ёлғиз қолдирмай осойиш ўтирар, баъзан Умриниса ярим ёнбошлаб: "Иброй! – дерди майин пичирлаб менга. – Қушлар сайраяпти. Мени боққа олиб чиқ!" Мен опамни авайлаб суяб аста зиналардан тушиб боққа олиб чиқардим. "Қўлимдан ушлама, Иброй, шошма, шошма", деб онам жийданинг тагидаги супага солган атлас кўрпачага етиб олардик. Опам: "Аҳа, ууҳ...", деб кўрпачага оҳиста чўзиларди. Боғ ариқ бўйида қаторасига ўсган, кўпириб гуллаб ётган қирқоғайниларга термулиб ётарди. Онам унинг рангпар юзи, ажиб хушбўй сочларини силаб, кўзёшларини тиёлмасдилар. "Йиғламанг, хола, нега йиғлайсиз, ким тортмабди бу азобни...", дерди маъюс жилмайиб Умриниса. Бирпас ётгач, жунжикарди, совқотгандай бўларди. "Мени уйга олиб кир, Иброй", – дерди, – совқотдим". Попушаклар жийда тепасида тўда-тўда бўлиб пишилларди. "Ўлгурлар", – деб қўярди Умриниса опам, – уларнинг парвойи йўқ..." Мен опамни яна авайлаб уйга олиб чиқардим. "Тезроқ, тезроқ тугай қолсайди...", деб пичирларди опам.

Қирқоғайнилар гуллаб бўлганда опамни уйдан олиб кетишди. Мен мактабга кетган, иккинчи синфда ўқирдим. Умриниса паризод опамни шундан сўнг сира кўрмадим. Анчагача гўзалимдан айрилиб маъюс бўлиб юрдим. Бир куни онам мени Кўктеракда турадиган юзга кирган Ҳамида аммамларникига тўйга олиб кетдилар. Икки кеча Ҳамида бувимникида боғда яйраб кейин шаҳарга — уйга қайтдик. Бу пайтда отам акам билан бирга улкан жийдамизни кесиб тандирхонани кенгайтириб бўлган эдилар. Онамни қанчалар хафа бўлганини айтишга тилим ожиз. "Отамнинг жийдасини кесди" деб отам билан анчагача гаплашмай, у кишидан қочиб юрдилар. Мен ҳам жийдамизга жуда ачиндим. Жуда қимматли бир нарсамни абадул-абад йўқотиб қўйгандай анчагача ўзимга келолмадим. Жийданинг баланд айри шохлари орасида менинг чайлам бор эди. Шу чайлада ўтириб, китобларимни ўқирдим. "Гулливернинг саргузаштлари"ни шу жийда чайласида ўқиб тугатганман. Уни Умриниса опамга ҳам ўқиб бермоқчи бўлиб ҳавас қилардиму аммо опамни толиқтириб қўйишдан қўрқардим. Чайлада ўтириб бақириб ашулалар айтардим: "Боғ аро қўйсам қайдам...". Попушаклар ҳам мендан чўчишмасди, атрофимда учиб-қўниб мен овоз чиқариб ўқиган Гулливернинг ҳикояларини тинглашар: "пиш-пиш..." деб маъқуллаб қўйишарди. Глидичиянинг номини айтсам, "клидичия" деб такрорлашарди. Биз кеч куз чоғлари, айниқса, қишда сандал устига тўртбурчак катта патнисга нонжийдамиз меваларини тўкиб, ёнғоқ, шафтоли қоқиларга қўшиб эрмак қилардик. Ғоятда татти туюларди. Баъзан отамнинг нега тандирхоналарни бир-икки йилда уч жойга кўчириб янгидан қургани, менга кулча орасига гўшт қўйиб тандирда пишириб бергани, онамнинг отасидан қолган жийдани ҳеч эсдан чиқармаганларини эслардим. Отам – тандирнинг оловларида пишиб кетган одам унча-мунча нарсаларни парво қилмас эканлар, онам шўрлик эса жуда нозик табиат, нафис хаёлли, жуда оқила аёл эдилар. Хотира у киши учун ҳар нарсадан ортиқроқ, азиз бўлганини сал кейин тушундим. Онамнинг гулхаёл одам бўлганликларидан жуда мутаассир бўлдим. Бу асирлик мендан сира кетмади. Отам деганда тандирнинг ял-ял ўтини, онам деганда нонжийда гулининг нуқра гуллари, уларнинг оламни тутган мастона ҳидлари, бизни очарчиликдан сақлаган қирмизи ширин меваларини тушундим.

Қадрдонларимиз бераҳм ўтиб кетурлар, азиз ёдлари бизга мерос қолур...

Тойир БОЛТАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми

# ЮКСАЛИШИМИЗ ПОЙДЕВОРИ



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллик тантаналари шукуҳи ҳали-ҳамон юртимиз узра кезиб юрибди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг байрамга бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи, ўйлайманки, нафақат майдонда иштирок этган юртдошларимизнинг, балки бутун халқимизнинг юрагидан жой олди. Ушбу байрам тадбирида юртимизда халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган, олдимизда турган вазифалар Президентимиз томонидан аниқ белгилаб берилди. Нутқни тинглар эканман, одамлар фаровонлиги йўлида амалга оширилган ва оширилажак ишларимиз йиллар ўтиб тарих зарварақларига муҳрланишига ишончим мустаҳкамланди.

Президентимизнинг истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси томонидан тайёрланган "Саодат йўли" номли китобнинг дастлабки саҳифаларига битилган қуйидаги сўзлари ҳам фикримиз тасдиғидир: "Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади".

Ижодий фаолиятим давомида бу сўзларнинг ҳаққоний эканига ишонч ҳосил қилиб келяпман. Тарихий асарлар ичига қанчалик кириб борганим, қадим обидалар сирини ўрганганим сари бу улуғ тарих ҳали мен ва менга ўхшаш қанчадан-қанча рассомлар, шоир-ёзувчилар ва бошқа соҳалар вакиллари ижодига илҳом бағишлашига имоним комил.

Зеро, ҳар бир асарим учун тарихдан мавзу оламан, мавзуни бугунги кун билан ҳамоҳанг тасвирлашга ҳаракат қиламан. Айниқса, бугунги Ўзбекистонимизнинг бетакрор ва маҳобатли бинолари, гўзал боғлари, илм-фан, санъат, спорт, улкан ишлаб чиқариш иншоотлари ижодкорларга илҳом бағишлайди. Албатта, буларнинг барчаси Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари самарасидир.

Бизнинг юртимизда санъат кишиларининг қадрланиши, уларга алоҳида меҳр билан муносабатда бўлишлари маълум. Бадиий академиямизнинг ўзбек миллий тасвирий санъатида, амалий санъат йўналишида ижод қилаётган аъзоларидан бир гуруҳи мустақиллигимизнинг ўттиз йиллиги арафасида юксак мукофотлар билан тақдирлангани фикримнинг далилидир. Ана шу инсонлар қатори менинг ҳам камтарона меҳнатларим Президентимиз томонидан юксак мукофот билан тақдирланди. Бундай эътироф учун ўзим ва барча ижодкорлар номидан ташаккур айтаман.

Буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий маданиятга, санъат ривожига улкан ҳисса қўшиб, Султонали Машҳадийдек буюк ҳаттот, Камолиддин Беҳзод бобомиздек буюк мусаввирнинг камол топишига йўл очди, улар ижод этган мўъжаз китобат санъати асарлари дунёнинг энг нуфузли музейларида ноёб асарлар сифатида ардоқланиб сақланмоқда. Бу санъатнинг ворислари кимлиги сўралса, бир овоздан ўзбек халқи тилга олинади. Узоқ ўтмишда, Навоий бобомиз даврларида юксак даражага кўтарилган санъатимиз Янги Ўзбекистонда янги руҳ билан жадал ривожланиш палласини бошдан кечирмоқда.

НИГОҲ

# ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деб номланган тасвирий санъат экспозицияси Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланди. Экспозициядан санъат усталарининг сўнгги йилларда яратган рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат асарлари ўрин олган. Мухлислар юзга яқин муаллифлар томонидан яратилган икки юз элликдан зиёд ижод намуналаридан баҳра олишади. Ушбу кўргазма нафақат байрамона тус олди, балки тасвирий санъатдаги уч авлод вакилларининг ижод намуналарини бир-бирига қиёслаш, таҳлил этишга имкон яратди.

Мазкур вернисаждаги ижод намуналарида рассом дастхати, унинг она Ватанга, бебаҳо табиат манзараларига меҳр-муҳаббати



яққол намоён бўлиб турибди. Х.Зиёхоновнинг "Нигоҳ", Д.Эшматовнинг "Келин", "Тўйга", "Меҳмон кутиб олиш", Р.Бозоровнинг "Чилла пайтида Тошкентнинг Чилонзор даҳаси" сингари асарларида мавзу ва ранглар мутаносиблиги кўзга ташланади. Э.Жўраевнинг "Қўғирчоқбоз", "Масхарабоз", "От ўйин", "Аёл ва эркак либоси", Ю.Гребнюкнинг "Намозга", Ф.Аҳмадалиевнинг "Бухоролик оила" сингари ишларидаги содда ва мураккаб шакллар уйғунлиги томошабинлар диққатини тортди. Академик рассом Жавлон Умарбековнинг "Массагетлар маликаси Тўмарис", "Сўғдиёналик" каби асарлари санъат мухлисларига байрам туҳфаси бўлди.

Кулол А.Авакяннинг лой ва шамотдан ясалган ишлари ҳам мухлислар эътиборини жалб этди. Собир Рахметов, Сарсенбай Байбосинов, Владимир Бурмакин, Аслиддин Исаев, Янис Салпинкиди каби забардаст рассомларнинг асарлари ҳам ташриф буюрувчиларга маъқул бўлди.

Ушбу кўргазма юртимиз рассомларининг янги ишлари билан танишиш имконини бериши баробарида ёш рассомлар учун сабоқ вазифасини ўташга хизмат қилади.

САНЪАТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

**Тамарахоним – Тамара Артёмовна Петросяннинг болалиги қувноқ кечмаган. Анна ва Артём Петросянларнинг оиласида таваллуд топган бу арман қизи 1906 йили Туркистон ўлкасининг Горчаково бекатига, ҳозирги Марғилон шаҳрига оиласи билан сургун қилинади. Ўша даврларда маҳаллаларда сайёр труппалар кезиб юрар, барча томошага ошиқарди. Ёш Тамарани дорбозлар, кўзбойлоғичлар, раққослар ўзига сеҳрлаб қўяди. У кўрган хатти-ҳаракатларини уйида такрорлар, олти ёшга тўлган қизалоқ оила даврасида рақсга тушиб, барчани ҳайратга соларди. Шунда онаси: "Мана, кўрасиз, қизим ҳали Парижда рақсга тушади!" дея ғурурланган экан.**

# ҚУЁШЛИ САНЪАТ



Ёш Тамарадаги рақс санъатига меҳр ва қизиқишни, хатти-ҳаракатларини кузатган атрофдагилар унинг отасига агар қизини тийиб олмаса, унга жазо тайинлашларини ҳам айтишган. Аммо бир воқеа унинг ҳаётида туб бурилиш ясайди. Горчакова бекатига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бошчилигидаги "Восток" ("Шарқ") ташвиқот поезди келиб тўхтайди. Ўша даврда халқ орасида маънавиятни кучайтириш масаласи жуда кенг тарқалганди. Кимдир Ҳамза Ҳакимзодага бир иқтидорли қизалоқ ҳақида гапириб беради ва бу Тамаранинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборади.

1918 йил Тамара илк бор саҳнага чиқади. Гарчи ёши 12 да бўлса-да, бошқалар билан тенгма-тенг иштирок этади. Ёш раққоса омма олдида рақсга тушган ягона аёл бўлган, бунинг устига, юзи очиқ ҳолда саҳнага чиққан. Тамарага нисбатан таҳдидлар кучайиб бораётганини сезган ота-онаси фалокатлардан йироқ бўлиш мақсадида уни Тошкентга жўнатишади. 1922 йил қизалоқ Тошкент балет труппаси ўқувчисига айланади ва Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов, Али Ардобус Иброҳимов каби машҳур ўзбек санъаткорлари раҳбарлик қилган концерт дастурларида рақслари билан иштирок этади. Афсуски, унинг "беадаб" тарбияси ҳақидаги гап-сўзлар қишлоғигача етиб боради ва маҳаллий дин пешволари унинг отасини ваҳшиёна қатл эттиришади. Тамара фарзандлари билан ёлғиз қолган онасига томошалардан ишлаган пулидан юбориб туради. Балет труппасининг ижоди кундан-кун ривожланиб боради. Ўрта Осиё бўйлаб гастроль сафарлари уюштирилиб, халқ рақсларидан концертлар беришади. Аммо шаҳар ва қишлоқларда ҳамон Тамарага таъна тошлари отилаверади. Таҳликали бир вазиятда ўспирин қизнинг ҳаётини сақлаш мақсадида таниқли мусиқачи ва сўз устаси Юсуфжон қизиқ Шакаржонов унинг устига паранжи ташлаб, йиғилган оломон орасидан олиб чиқиб кетади.

Тамарахоним 1923 йили Москвага жўнайди ва А.В.Луначарский номидаги Театр техникумида ўқишни давом эттиради. Москвада у "Шарқ қалдирғочи" номини олади. Концерт томошаларидан сўнг томошабинлар уни саҳна ортида кутиб олишар, ўзларининг завқ ва ҳайратларини яширолмасдилар. Грим хонасида ёш истеъдод соҳиби, таниқли қўшиқчи Муҳиддин Қори Ёқубов мақтовларга кўмиб ташлаганда, Тамара сира ҳайратланмаган. Раҳбарият унинг ёнида турган қўшиқчини таништириб, "Энди сиз бу киши билан бирга иштирок этасиз", деган. Соддагина Тамара "бирга" деганда Муҳиддин Қори Ёқубов билан тақдирини боғлашини тушунмаган ҳам. Улар турмуш қуришади. Ёш келин-куёв илк бор чет эл сафарига — Францияга йўл олишди. 1925 йил Парижда халқаро декоратив санъат кўргазмасида Муҳиддин Қори Ёқубов ва Тамарага ўз ватанининг номидан иштирок этиш вазифаси тушди. Уларнинг чиқиши парижликларни ҳайратга солди. Ўша пайтда Тамара 19 ёшда эди. Париждаги муваффақият унинг санъатдаги кейинги ижод йўллари кенг қулоч ёзишига туртки бўлди. У Ер шарининг деярли ярмини айланиб чиқди. Москвага уюштирилган катта сафар олдидан концерт ташкилотчиларидан бири маҳаллий аҳолининг Тамарага "хоним" дея юзланаётганини эшитиб қоладию эртасигаёқ "Тамара Хоним" исми ёзилган афиша бутун шаҳар бўйлаб илинади. Шу кундан бошлаб уни Тамарахоним деб атайдиган бўлишади. Келиб чиқиши арман, ўзи эса ўзбек маҳалласида ўсиб-улғайган Тамарахоним қайси хорижий давлатга бормасин, уйига янги рақс олиб келар, унинг ижросига жон-жаҳди билан шўнғиб кетарди. Унинг бисотида 86 тадан ортиқ жаҳон халқлари рақслари бор эди. Санъаткор қайси бир халқнинг рақсини ижро этмасин, худди ўша халқнинг миллий қиёфасини намоён этар, қадам ташлашдан тортиб, ижросигача, танлаган либослардан тортиб гримгача юксак маҳорат уфуриб турар, бу ажойиб аёлни кўрган ҳар бир халқ уни ўз ватандоши деб ўйлашига шубҳа қолмасди.

1938 йил Тамарахоним икки жанрни – қўшиқ ва рақсни бирлаштириб, ўзбек саҳна санъатига ўзига хос ўзгариш киритди. Энди артист кўплаб тилларда куйлай олар, шу билан бирга, қўшиқларни равон ижро этарди. Аслида мана шунинг ўзи унинг юксак истеъдод соҳиби ва санъат фидойиси эканидан далолатдир. 1935 йил Лондонда бўлиб ўтган халқаро фестивалда Уста Олим Комилов билан бирга иштирок этиб, Британия қироличасининг қўлидан мукофот олишга эришганининг ўзи ўзбек санъати учун катта шараф эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам Тамара бутун фронт бўйлаб концертлар берди. Унинг довруғи яна бутун дунёга таралди. Бастакор Исаак Дунаевский: "Сиз мени қуёшли Ўзбекистонга таклиф этдингиз, раҳмат! Аммо мен учун Сиз ва Сизнинг ажойиб санъатингиз бўлган ҳамма ер қуёшли бўлади", деган экан.

1930 йили таниқли артист ўз кучини балетмейстер сифатида ҳам синаб кўради. 1932 йил режиссёр З.Қобулов ва бастакор П.Раҳимов билан ҳамкорликда Урганчда театрга асос солади ҳамда балетмейстер, раққоса ва педагог-тайёрловчи вазифасида ишлайди. Унинг ташаббуси билан Тошкентда мумтоз балет мактаби очилади.

Тамарахонимнинг ўзбек санъати ва маданиятига қўшган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Матлуба ТЕМУР қизи

**ЖАҲОН БОЛАЛАР АДАБИЁТИДАН**

**Сергей МИХАЛКОВ**

# ЭРТАК АЙТИБ БЕРАЙМИ?

## ОДОБСИЗ МЕҲМОН

Икки айиқча балиқ овидан келаётган эди. Улар йўлда Сақоқушни учратиб қолишди.

– Буни қарагин-а, Сақоқушжон, биз бир талай балиқ тутдик. Бизникига меҳмонга кел, бирга тушлик қиламиз. Азиз меҳмонимиз бўласан.

– Шунақами? Ундай бўлса, албатта, бораман, – деди Сақоқуш қувониб.

У ваъдасига биноан келди-да, стол атрофига ўтирди.

– Ҳеч тортинма, Сақоққушжон! Ол... Олавер, ош бўлсин! — Айиқчалар меҳмонни сийлаб шундай дейишди. – Балиқ жуда кўп – биз барибир ҳаммасини ея олмаймиз.



Бир сония ўтар-ўтмас дастурхондаги балиқлар қайгадир ғойиб бўлди. Аслида уларнинг бари Сақоқушнинг тумшуғи остидаги халтасидан жой олганди.

Бу ҳолни кўриб айиқчалар ҳайрон бўлиб қолишди.

– Қалай, мазалими? Биз, ҳарқалай, яна бўлса йўқ демасдик. Сен-чи, сен ҳам яна ермидинг, – дея сўради айиқчалардан бири Сақоқушдан.

– Оҳ, қанийди, яна бўлса! – дея Сақоқуш катта тумшуғини очган эди, шу пайт унинг оғзидан битта балиқ ерга сакраб тушиб кетди.

– Ундай бўлса, мана шу балиқни ҳам еяқол! – дея кулишди айиқчалар...

Шу воқеадан сўнг нима учундир айиқчалар Сақоқушни тушликка таклиф қилмай қўйишди. Айиқчалар нима учун меҳмондорчиликка чақирмай қўйишганига Сақоқушнинг ўзи ҳам ҳайрон. Нега шундай бўлди? Сиз нима деб ўйлайсиз?

## ТАРКИ ОДАТ

Йўлда кетаётган Қуён маза қилиб ухлаб ётган Шерни кўриб қолди. Шер ёнига Илон судралиб келаётган эди.

– Буни қаранглар, ҳозир у Шерни чақиб олади-ку! Шерни уйғотишим керак!

Қуён шундай қарорга келди-да, "дағ-дағ" титраганча Шернинг думидан кучининг борича тортди.

– Ким мени уйғотишга журъат этди? – дея ўкирди Шер.

– Кечирасиз, шоҳим, бу мен! – деди қўрқа-писа Қуён. – Эҳтиёт бўлинг, девдим-да. Қаранг, Илон!

Шер ёнига қарадию шаққилдоқ илонга кўзи тушди. Сапчиб ўрнидан турди-да, четга ўтди.

– Қўлингни бер, – деди Шер Қуёнга. – Сен жасур ва мард экансан. Шу бугундан бошлаб биз дўст тутинамиз. Сени ўз ҳимоямга оламан! Энди сен ҳеч кимдан қўрқмасанг ҳам бўлаверади.

Бу гапларни эшитиб Қуён севиниб кетди.

Шу пайт буталар орасидан Тулки чиқиб қолди. Буни кўрган Қуён ўша заҳоти шамол каби учиб ғойиб бўлди.

Шер Қуённинг қилиғидан ҳайрон бўлиб, бошини силкиб қўйди. У кечгача Қуённи излаш билан овора бўлди.

– Қаёққа қочиб қолдинг? – деди у ниҳоят Қуённи топгач.

– Тулкини кўриб қолдим.



– Ахир, мен ёнингда эдим-ку! Сени ҳимоя қиламан деб ваъда берганмидим?!

– Ҳа! Ваъда бергандинг!

– Нима сен менга ишонмайсанми?!

– Ишонаман!

– Бир ўйлаб кўргин-а, нима Тулки мендан кучлими?

– Йўқ, албатта, кучли эмас!

– Унда нега қочиб кетдинг?

– Тарки одат бўлса нима қилай, – деди афсусланиб Қуён...

## БЕМИННАТ ДАСТЁР

Ўрмонни кезиб юрган Буғу чарчади ва бир оз дам олгиси келди. У ўтлоқ устига ётаркан, Қуённи кўриб қолди ва ундан илтимос қилди:

– Менга қара, дўстим, бир илтифот кўрсатгин. Ярим соатдан кейин уйғотгин.

Қуён хурсанд бўлиб кетди, ахир, кимсан Буғунинг ўзи ундан илтимос қилди-я.

– Бўпти, дўстим, сен ухлайвер! Албатта, уйғотаман, – дея ваъда берди у.

Буғу чўзилиб ётдию кўзи уйқуга илинди.

– Тагингга, балким юмшоқ пичан ташлаш керакдир, – деди Қуён куюнчаклик билан. У шундай дея бир қучоқ пичан олиб келди ва Буғунинг ёнбошига тўшай бошлади.



– Раҳмат, керак эмас! – деди Буғу уйқу аралаш.

– Бу нима деганинг. Нега керакмас? Пичан устида ётсанг, мазза қилиб ухлайсан.

– Майли, майли... жуда кўп овора бўлаверма, ўзи шундоқ ҳам уйқум келяпти...

– Балким, ухлашинг олдидан сув ичиб оларсан? Яқинроқда булоқ бор. Мен тезда бориб сув олиб келаман!

– Йўқ. Керакмас... айтдим-ку уйқум келяпти деб...

– Яхши, ухлайқол! Хоҳлайсанми, қулоғингга эртак айтиб тураман. Ўшанда тез ухлаб қоласан.

Беминнат дастёр Қуён гапиришдан чарчамасди.

– Керакмас... раҳмат... мен шундоқ ҳам ухлайвераман.

– Балким, сенга шохинг халақит бераётгандир. Шу сабабли ухлай олмаётгандирсан.

Бу гапдан кейин Буғу сакраб ўрнидан турди ва ўкирганча югуриб кетди.

– Ҳой, қаёққа шошиб кетяпсан? – ҳайрон бўлиб сўради Қуён. Ахир, ҳали йигирма минут ҳам ўтмади-ку! Ухламайсанми?..

## ҒИЙБАТЧИ ЧИЯБЎРИ

Қоплон ва Силовсин ов чоғида ёшгина кийикни тутиб олишди ва уни ейишга ҳозирлик кўра бошлашди. Шу пайт уларнинг ёнидан Чиябўри ўтиб қолди. Ажойиб ўлжани кўргач, қорни очганини сезиб уларга ҳасад қила бошлади... Шу сабабли бир чеккага Силовсинни чақирди-да, унга шундай деди:

– Биласанми, кеча сен ҳақингда Қоплон менга нима деди?

– Қаёқдан билай? Хўш, нима деди?

– Мен сенга бир дўст сифатида бу сирни айтаман. Тағин бошқаларга алжираб юрмагин, хўпми?!

– Гапни чўзмасдан айтақолсанг-чи. Қани у мен ҳақимда нималар деди?

– Сен товуқдан ҳам аҳмоқроқ экансан!

– Алдаяпсан!

– Бу ҳали ҳаммаси эмас!

– Сен қуёндан ҳам қўрқоқроқ экансан! Яна кўл бақасидан ҳам узоққа сакрай олмасмишсан! Эшитдингми, жим! Бу гапларни сенга дўст сифатида айтяпман.

– У бундай дейиши мумкин эмас! – дея жавдираб қаради Силовсин. – Тўғрисини айт, алдамаяпсанми? Ростдан шундай дедими?

– Алдасам, тил тортмай ўлай!

– Сенга барибир ишонмайман. Қоплон мен ҳақимда бундай гапларни гапирмайди!

Силовсин ариқ бўйига сув ичгани тушди. Бу вақтда Чиябўри Қоплоннинг ёнига борди-да, уни ҳам алдай бошлади.

– Берироқ келсанг-чи, сенга айтадиган муҳим гапим бор, – деди у Қоплонга қараб.

Қоплон эринчоқлик билан унинг ёнига келди-да:

– Ҳа, шўртумшуқ, нима гапинг бор? – деди.



– Кеча дўстинг сен ҳақингда нималар деганини эшитишни хоҳлайсанми? – деди Чиябўри минғирлаб.

– У мен ҳақимда нима дейиши мумкин? – дея ҳайрон бўлди Қоплон.

– Сен товуқдан ҳам аҳмоқроқ, қуёндан ҳам қўрқоқроқ, етмаганига қурбақадан ҳам узоққа сакрай олмасмишсан, – деди бидирлаб Чиябўри.

– Бўлмаган гап! У мен ҳақимда асло бундай дейиши мумкин эмас! – деди ўзига ишонган ҳолда Қоплон.

– Алдасам жойимда тил тортмай ўлай! Сенга бу гапларни дўстим дея айтяпман. Тағин бошқаларга айтиб юрмагин-а. Хўпми?



– Яхши, яхши, ҳеч кимга айтмайман, – деди Қоплон ва кўнглида шубҳа уйғониб Силовсинни қидира бошлади.

Силовсиннинг ўзи эса унинг қаршисидан чиқди. Улар бир-бирига шундай ғазаб билан қараганидан ҳатто бўйнидаги жунлари ҳам ҳурпайиб кетганди. Улар ўзаро шундай уришишдики, этлари бурда-бурда бўлиб ҳавода учарди.

Пайтдан фойдаланган ғийбатчи Чиябўри эса маза қилиб тайёр ўлжани паққос туширарди.

**Рус тилидан**
**Баҳром АКБАРОВ таржимаси.**

# БОЛАЖОНЛАРГА УЧ ТУҲФА

Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами арафасида Азамат Суюн болажонларимизга "Муҳаррир" нашриётида чоп этилган бирйўла учта китобини туҳфа қилди. Улар табиат, ўсимликлар олами, юртимизда униб-ўсадиган ширин-шакар мевалар, полиз маҳсулотлари, Ватан манзаралари акс этган шеърлардан иборат бўлиб, ўзига хос енгил ва болаларга хос тарзда ифодаланади.

Ўзбек болалар адабиёти мумтоз ва фольклор ижод анъаналарига асосланган бўлиб, таниқли адибларимиз томонидан юмор ва мутойибага бой, енгил табассум сингдирилган кўплаб асарлар яратилган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг "Тошбақа билан чаён", "Ўрик", "Гилос", Ғафур Ғуломнинг "Нортожининг курак тиши", Шукур Саъдулланинг "Инжиқ", "Ивирсиқ", "Шалаббо", Қуддус Муҳаммадийнинг "Дум", "Дўнаншер нега иккичи?", "Қоравойнинг шу иши тўғрими?", "Чумчуқдан гап эшитмоқ уят эмасми?", Пўлат Мўминнинг "Зарда", "Валининг кулгиси", Қудрат Ҳикматнинг "Толиб сўлоқмон", "Тантиқ", "Ўжар" сингари шеърлари ана шулар жумласидандир.




Ғафур Ғулом, Худойберди Тўхтабоев, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон сингари забардаст сўз усталари томонидан яратилган асарлар ана шундай куч ва сеҳрга эга ва бу йўналиш ўзини оқлаб келмоқда.

Азамат Суюннинг "Саёҳат" деб номланган шеърий тўпламида кичкинтойларнинг соф туйғулари, уларнинг шўх, беғубор қилиқлари, ота-оналарига, дўстларига муносабати пишиқ-ихчам сатрларда очиб берилади. Болаларнинг севимли адиби, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон мазкур тўпламда ёзган сўзбошисида ўзининг илиқ фикрларини билдириб ўтган.

Бола қалби ёзилмаган дафтардек беғубор, кўзлари тўла ҳайрат. Кўринган нарса унга мўъжиза бўлиб туюлади. У ўзининг кимлигини, дунёнинг нималигини билгиси келади. Қисқа ва ихчам сатрлар, ундаги ҳолат кичкинтой кўз ўнгида яққол намоён бўлади. Яхши шеърда ортиқча тасвир ва рангларга ҳожат йўқ.

**Ойи, қаранг укамни,**
**Кийволди ботинкамни.**
**– Ахир, уканг бўлади,**
**Кийса нима қилади?**

**Ойисига термулиб,**
**Хол қовоғин уяди:**
**– Кияверса туфлимни**
**Кичик қилиб қўяди.**

***("Қизғанчиқ ака")***

Шоир қувноқлик, нозик қочирим, юмор орқали ўқувчиларнинг ўзига сездирмай уларни тарбиялайди. Бу тарбия болаларнинг хатти-ҳаракати, характеридаги камчиликларни йўқотишга қаратилган бўлибгина қолмай, уларнинг эстетик дидини оширишга, табиатга, атроф оламга чуқурроқ қараб уни англаб олишига ёрдам беради.




Кулги ва юмор сингдирилган асар ёки кичкина бир шеър ёзиш ва болаларга манзур этиш учун, аввало, ижодкорнинг болаларча дунёқараши бўлиши керак. Ана шундай асарлар катталар ва кичкинтойлар томонидан бирдай севиб ўқилади. Шу нуқтаи назардан Азамат Суюннинг самимий соддадиллиги, болаларча ишонувчанлиги ҳар бир шеърда болаларнинг ёки қаламга олинган предметнинг мазмун-моҳиятини очишга хизмат қилади.

Шоир ҳар бир мева ёки сабзавотни таърифлар экан, унинг инсон организмига фойдали томонларини ҳам йўл-йўлакай "қистириб" кетади. "Тоғ райҳон" тўпламидан:




**Эшитдингми, ҳой Нурик,**
**Юракка қувват ўрик.**
**Баъзан дерлар зардоли,**
**Есанг ғоят шифоли.**

***("Ўрик")***

"Қанотли дўстларим" шеърий тўплами қушларнинг 20дан ортиқ турларига бағишланган бўлиб, ҳар бир қушнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг табиат ва хўжалик фаолиятидаги аҳамияти очиб берилган.

**Тўғри тушун сен фақат,**
**Ёмон қуш эмас калхат.**
**Жуда эпчил қуш бари,**
**Дала-дашт санитари.**

***("Калхат")***

Азамат Суюн ижодида сўз танлаш ва уларни маҳорат ила болалар идрокига етиб борадиган қилиб ёзишга интилиш анъанаси мавжуд.

**Каламуш, юмронқозиқ,**
**Сичқон ҳам тансиқ озиқ.**
**У шундай овқатланар,**
**Борига тоқатланар.**

***("Укки")***

Болалар шоирларининг шеърларини кичик ёшли болалардан тортиб катталаргача севиб ўқийди. Уларнинг ижоди болаларда ҳамма нарса ўйиндан бошланадиган, тасаввурга эрк берадиган, фикрлайдиган, бола онгини маънавий бойитишга, ўзини кучли ҳис қилишига, улғайишига хизмат қилади.

**Нуруллоҳ ОСТОН,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

**Зебо ОМОНОВА**



# ЎМИДЛАРИМ...

* * *

**Юрагимда яшар бир оташ,**
**Кўзларимдан, сўзимдан пинҳон.**
**У қуёшнинг нурига ўхшаш,**
**Тушки, ойдек нигоҳдан ниҳон.**

**Олисларга бош олиб кетсам,**
**Бағиргинам ёнаверади.**
**Айрилиқнинг жарида йитсам,**
**Меҳринг мени туртаверади.**

**Кўнглим – телба. Бўлиб девона –**
**Осмонларга ўзимни отсам,**
**Шунда менга сен бўлиб она,**
**Тинчитасан, бўламан мулзам.**

**Тилда эмас, дилда суйганим,**
**Юракдаги оташим сенсан.**
**Тубсиз жардан тортиб олганим**
**Онам каби мушфиқим – Ватан.**

## ҚАЛБ МАНЗАРАСИ

**Қовоғим остида осмон бор, ер бор,**
**Баъзида чақинлар кетар ярақлаб.**
**Гоҳо булутларга дунё келиб тор,**
**Қуёш хандон отар, чиқар чарақлаб.**
**Ногоҳ тўлиб-тошиб ёмғирлар ёғар,**
**Қалбимда чарх урар ғамгусор палла.**
**Онам – замин, ойнинг нурини соғар,**
**Тунлари бошимда айтганча алла.**

* * *

**Умидларим гуллади бугун,**
**Рўшноликнинг майидан тотдим.**
**Мен тун эдим, тонг бўлиб отдим,**
**Умидларим гуллади бугун.**

**Ташна эдим бир ёруғ кунга,**
**Гул обига ташна эдим мен,**
**Кўзёшлардан чашма эдим мен,**
**Ташна эдим бир ёруғ кунга.**

**Ҳарирлатдинг кўнглим боғларин,**
**Зоғларига бўй бермай қўйдим,**
**Оллоҳ, сени шу қадар севдим,**
**Ҳарирланди кўнгил боғларим,**
**Унда бордир суянч тоғларим!**

## РУҲИМ

**Руҳим, қайғулардан бир лаҳза чекин,**
**Нурафшон тонгларга умид-ла қара.**
**Бу борлиқ кўнгилга беради таскин,**
**Гуллар ифорини тутар энг сара.**
**Ложуворд дунёга боқиб яйрагин,**
**Хаёл тулпорида самоларни қуч.**
**Бағрингда қучганча хаёл байроғин,**
**Шамсу қамар қасри – осмонларга уч!**
**Қайғунинг қалбини қорайтир, куйдир,**
**Парчалаб ташлагин фироқли оҳим.**
**Беш кунлик бу дунё лаҳзалик куйдир,**
**Шу куйнинг мавжида ором ол, Руҳим!**

* * *

**Яшилланди кўнгил олами,**
**Туйғулар зар балдоқлар тақди.**
**Қиқирлаган шўх гуллолами,**
**Овозидан кўнглим ютоқди.**

**Бир сархуш куй таралди дилдан,**
**Муғанний ҳам чололмас уни**
**Ва ногаҳон англадим бирдан,**
**Меҳр экан номи бу куйнинг.**

## Таваллуд кунлар



**Гавҳар Зокирова** – 10 сентябрь – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти.



**Шодия Абдуқодирова** – 12 сентябрь – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.



**Шуҳрат Зокиров** – 12 сентябрь (1978) – композитор, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси.



**Улуғбек Мусаев** – 12 сентябрь (1948-2000) – композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.



**Зуҳра Ашурова** – 16 сентябрь – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти.



Флорида Гамбарова – 15 сентябрь – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

## Маънавият дафтари

Фикр юрита олмайдиганлар ўзларини мутафаккир қилиб кўрсатадилар ва мустақил фикр юритадиганларнинг тақдирини ҳал қиладилар.

**Жек ЛОНДОН**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшманинг девонхона мудири Гулобдон Тўраевага отаси
**Қодир ТЎРАЕВ**нинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: Imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1206. Буюртма Г - 944.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 00.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42; Санъат бўлими: 233- 56- 40; Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60.*